

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

О.С. СУБАНОВ

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР
БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ
ЖИНОЯТЛАРИНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ–2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

О.С.СУБАНОВ

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР
БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ
ЖИНОЯТЛАРИНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ–2023

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган*

Муаллиф:

Субанов Олимжон Суярқул ўғли

Такризчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Криминология кафедраси
бошлиғи, ю.ф.б.ф.д., (PhD) доцент
Бекзод Атабаевич УМИРЗАКОВ

Тошкент шаҳар ИИББ

Тезкор-қидирув хизмати - Жиноят қидирув бошқармаси
Жиноятларни аниқлаш йўналишидаги бўлинмалар

Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши
курашиш бўлими бошлиғи
подполковник Мурат Тахирович РАИМОВ

Б – 80 Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларни барвақт олдини олиш: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: О. Т. Ахмедов; О. С. Субанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ МОИ, 2023. – 77 б.

Мазкур ўқув қўлланмада ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан шу турдаги жиноятлар юзасидан 2022 ва 2023 йилнинг 9 ойи давомида тергов қилиниб, судга юборилган жиноят ишлари бўйича тузилган айблов хулосалари асосида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этган шахсларнинг демографик хусусиятлари, жиноятнинг содир этилиши, вақти, жойлари таҳлили орқали уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини барвақт олдини олиш ҳамда уларнинг профилактикасини амалга ошириш борасида аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 270, 271, 273, 274, 275, 276-моддаларида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар таҳлили асосида тайёрланиб, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таълим берувчи профессор-ўқитувчилар таркиби, тингловчи (курсант) ва талабалар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

К И Р И Ш

Башарият тамаддунининг бугунги босқичида инсон фаолияти барча соҳаларини қамраб олган тараққиётнинг янги-янги марралари қўлга киритилаяпти. Бироқ, жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига раҳна солувчи иллатлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Улардан бири гиёҳвандлик балосидир. Ҳақиқатан ҳам гиёҳвандлик XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларига келиб шу даражада тезлик билан ривожландики, натижада ушбу «оқ ажал» бутун инсоният учун хавfli ҳодисага айланди.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш ва гиёҳвандликни тарқалишини олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Зеро, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдиради, бошқа жиноятларнинг ўсиши, коррупция ва уюшган жиноятчиликни тарқалишига имкон туғдиради, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларни емиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги маърузасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда дея таъкидлаб ўтган эди.

Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки саломатлик инсон учун ҳаёт каби энг олий ва ажралмас неъматдир. Соғлиқни муҳофаза қилиш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитар-гигиеник каби йўналишлардаги комплекс чора-тадбирлар орқали амалга оширилиб, ҳар бир инсонни жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Шу муносабат билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлиғини муҳофаза қилишда ҳуқуқий чоралар муҳим аҳамият касб этади.

Жамият учун хавфли иллатлардан бири ҳисобланган гиёҳвандлик муаммоси сўнгги йилларда нафақат республикамиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда. Гиёҳвандлик инсон соғлиғининг кушандаси, қанчадан-қанча инсонларнинг умрига, саломатлигига зомин бўлаётган иллатдир.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай давлатнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларни олдини олиш ва ушбу жиноятларга қарши курашиш борасидаги сиёсати бугунги куннинг кечиктириб бўлмас чора-тадбирларидан биридир.

Мамлакатимизда ҳам жиноятчиликка, шу қатори гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат ва ҳукумат даражасида профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, унинг бу бойликдан маҳрум этилиши оғир жиноят саналади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қўйи бўғимлари томонидан шу турдаги жиноятлар юзасидан 2022 ва 2023 йилнинг 9 ойи давомида тергов қилиниб, судга юборилган жиноят ишлари бўйича тузилган айблов хулосалари ўрганилди. Ушбу таҳлиллар давомида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларинг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилиниб, жиноятлар содир этилишини барвақт олдини олиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

І БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

1.1. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларнинг жиноий- ҳуқуқий тавсифи

Маълумки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилиш жамиятимиз хавфсизлигига, инсонларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдириши барчамизга маълум. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарлик амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми Олтинчи бўлимнинг XIX бобида белгиланган. Жиноят қонунчилигида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятлар тушунчаси мавжуд эмас, бироқ жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги жиноятлар деганда – жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан назарда тутилган, инсон соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Мазкур жиноятларнинг турдош объекти бўлиб, инсонларнинг соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлиги ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» бўлимида жойлашган ва алоҳида (аниқ) шахсларнинг соғлиғини муҳофаза этадиган нормалардан фарқли ўлароқ ушбу бобдаги жиноятлар кўпчилик шахсларнинг ёки муайян ҳудуддаги бир қисм аҳолининг соғлиғига хавф туғдиради. Шунинг учун жабрланувчиларнинг ноаниқ кенг доираси бу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлардан биридир.

Кўрилатадиган жиноятларнинг бевосита объекти бўлиб, аҳолининг соғлиғи ҳисобланади. Фақатгина, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар Жиноят кодексининг 275-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бўлиб ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ҳуқуқий баҳолашда жиноят предметини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ушбу турдаги жиноятларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тушунчаси амалдаги Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган. Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида *гиёҳвандлик воситалари* деб, «Гиёҳвандлик воситалари рўйхатларига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган препаратлар ва ўсимликлар», *психотроп моддалар* деганда эса «Психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар» назарда тутилган.

Кўрилаётган аксарият жиноятларнинг объектив томони турли хил фаол ҳаракатларда намоён бўлади:

- тақиқланган экинларни етиштириш (ЖК 270-м.);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-м.);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-м.);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-м.);
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 275-м.) каби жиноятлар ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган жиноятларнинг диспозициялари бланкет хусусиятга эгаллигини алоҳида эътироф этиш лозим. Яъни, айрим нормаларнинг жиноят таркиби белгиларини шакллантиришда қонун чиқарувчи томонидан муайян қоидаларни бузишнинг айнан қайси қилмишлар ташкил этиши аниқ кўрсатилмаганлиги (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан

фойдаланиш қоидаларини бузиш) ёки моддалар диспозицияларида жиноят предметларининг аниқ рўйхати белгиланмаганлиги сабабли, жиноят предмети ва объектив томонининг хусусиятларини бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги норматив ҳужжатларга мурожаат қилмасдан аниқлаш мумкин эмас. Масалан, бу турдаги қилмишларнинг жиноят предметини аниқлаш учун «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига ҳамда БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV Рўйхатларига мурожаат қилиш лозим. Жиноят кодекси 275-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларини аниқлашда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ва жўнатишнинг тартибини белгиловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш зарур бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобга олиниб, уларнинг барчаси формал таркибли жиноятлар сифатида тузилган. Яъни бу жиноятлар норманинг диспозициясида кўрсатилган қилмишлар содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра оз, озгинадан кўп ва кўп миқдорда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ноқонуний муомалада аниқланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдори Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорида белгиланган. Кўрилаётган жиноятларнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан ифодаланади. Яъни жиноят содир этаётган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди. Фақатгина гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти субъектив томондан ҳам қасд ҳам эҳтиётсизлик орқали содир этилиши мумкин. Ушбу

жиноятларнинг мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин ва қилмишларнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Бироқ, Жиноят кодексининг 273-моддасида назарда тутилган жиноятда жиноят содир этиш мақсади (ўтказиш мақсади) зарурий белги сифатида диспозицияда кўрсатилган бўлиб, бу турдаги қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга. 16 ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахслар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади¹.

Жиноят кодексининг 271-моддасида (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш) назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик 14 ёшдан белгиланган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг квалификация қилувчи белгилари.

Таҳлил қилинаётган жиноятларнинг аксарияти учун қуйидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар белгиланган:

– илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

– ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши;

– бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилиши;

– уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма томонидан содир этилиши.

Илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан жиноят содир этилишини назарда тутадиган белгини қўллашда илгари кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар, шахснинг шу турдаги жиноятлардан бирини содир этганлиги назарда тутилади. Бироқ шахс илгари содир этган жинояти учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, ёхуд илгари содир этган жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетган ёки судланганлиги олиб ташланган бўлса, Жиноят кодекси 32-моддасининг 2-қисми ва 77-моддасининг 4-қисмида белгиланган қоидаларга асосан ушбу квалификация қилувчи белги қўлланилиши мумкин эмас. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга

¹ И. Исмаилов, А.А. Расулев, Ш.Т. Джуманов, И.Ю. Фазилов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг ҳуқуқий чоралари: Ўқув методик қўлланма Т., 2013. –Б. 7-8

хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши деганда, камида иккита жиноят субъекти белгиларига эга бўлган шахсларнинг жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши тушунилади. Жиноят кодекси 29-моддасининг 3-қисмига мувофиқ икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок этиши мураккаб иштирокчилик деб топилади. Иштирокчилиكنинг бу шаклида иштирокчилар ўртасидаги жиноят содир этиш ҳақидаги келишув жиноят содир этилиши бошлангунга қадар амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб баҳолашда иштирокчилар томонидан бажарилган вазифалардан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда квалификация қилинади. Кўрилатган квалификация қилувчи белги нафақат уюшган гуруҳ таркибида ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан жиноят содир этганлик учун, балки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан содир этилган қилмиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда бажарувчи томонидан содир этилган қилмиш натижасида уюшган гуруҳ аъзолари ўзларининг қандайдир манфаатларини ҳал этишлари лозим. Бундан ташқари, жиноят субъектида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш каби жиноят мотивининг мавжудлигини, шунингдек, унинг содир этаётган қилмиши уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилатганлигини англашини аниқлаш зарур.

Кўриб чиқилган квалификация қилувчи белгилардан ташқари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат бўлган алоҳида турдаги жиноятларнинг мавжуд ўзига хос белгиларини ушбу жиноят таркибларини таҳлил қилиш жараёнида кўриб чиқамиз.

Тақиқланган экинларни етиштириш (270-модда)

Жиноят кодексининг 270-модда биринчи қисми диспозициясига мувофиқ тақиқланган экинларни етиштириш деганда, кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш тушунилади. Жиноят объекти бўлиб аҳолининг соғлиғи ҳисобланади. Жиноят предмети сифатида

кўрилаётган модданинг биринчи қисми мазмунига кўра кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимликлари ёки таркибида БМТнинг «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига киритилган табиий ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари ёки БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV Рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий моддалар бўлган экинлар назарда тутилади.

Жиноятнинг объектив томони тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришдан иборат бўлган икки мустақил қилмишларни содир этишда ифодаланади. Тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиш деганда, тегишли рухсатсиз таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экин уруғини сепиш ёки кўчатини ўтказиш тушунилади.

Ушбу ҳаракатлар натижасида ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, уларни экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушунмоқ керак.

Тақиқланган экинлар пишган ёки пишмаганидан, парвариш қилинаётган экинлар ким томондан экилганидан қатъи назар, парвариш қилишдан иборат бўлган ҳаракатлар бошланган пайданок жиноят тугалланган ҳисобланади.

Етиштирилиши тақиқланган экин экиш деганда, бундай экинлар уруғини тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерларга ёки мослаштирилган идишларга уруғини сепиш ёки кўчатини ўтқазилиши мумкин.

Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда ЖК 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда қилмишни ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метрдан кам бўлиши кераклиги назарда тутилган. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят айбнинг тўғри қасд шакли билан ифодаланади. Яъни шахс экаётган ёки парвариш қилаётган

экинларнинг таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг мавжудлигини, шунингдек уларни экиш ёки парвариш қилишнинг қонунга хилофлигини англайди ва бу ҳаракатларни содир этишни истайди.

Агар етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни экиш ва етиштириш келгусида наркотик моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек, ўтказиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг 270-моддаси ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилинмоғи даркор².

Таҳлил қилинаётган модданинг иккинчи қисмида юқорида кўрсатилган қилмишлар учун жавобгарликни оғирлаштирувчи қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган:

а) илгари ҳам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида етиштирган бўлса.

Биринчи иккита бандда кўрсатилган квалификация қилувчи белгиларни юқорида батафсил кўриб чиққанлигимиз сабабли уларга тўхталиб ўтмаймиз.

Ўртача катталиқдаги экин майдони деганда Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлимига асосан 250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача бўлган экин майдони тушунилади.

Тақиқланган экинларни етиштириш учун жавобгарликни назарда тутувчи модданинг учинчи қисмида жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қуйидагилар белгиланган:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) катта экин майдонида содир этилган бўлса.

Катта экин майдони деганда 1000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони тушунилади. Шахс етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни турли майдонларда ўстираётган бўлса, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда жами экин майдонидан келиб чиқмоқ лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (271-модда)

² Ўша жойда. – Б. 34–35.

Жиноят кодексининг 271-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш учун жавобгарлик улар корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга хилоф равишда олинганда, таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган ўсимликлар ёки уларнинг бўлаклари қишлоқ хўжалиги корхоналари далаларидан ва бу ўсимликлар ўстирилаётган фуқароларнинг ер майдонларидан қонунга хилоф равишда териб олинганда, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, уларни қонуний ва ноқонуний равишда эгаллаб турган фуқаролардан қонунга хилоф равишда олинган (эгалланган) ҳолларда юзага келади. Ушбу жиноятнинг объекти – аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ бўлган жамоат хавфсизлиги. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар унинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Жиноятнинг объектив томони – кўрсатилган предметларни ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллашдан иборат. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда *ўғрилик йўли билан эгаллаш* деганда, ўзганинг қонуний ёки ноқонуний тасарруфидаги гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини яширин равишда талон-торож қилиниши тушунилади. *Фирибгарлик йўли билан* эгаллашда, айбдор шахс алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қўлга киритиши тушунилади.

Кўрилаётган жиноятларнинг субъекти 14 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан жиноят айбнинг тўғри қасд шакли билан ифодаланади.

Жиноят кодекси 271-моддасининг 2-қисмида жиноят содир этганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгарлик назарда тутилган:

а) илгари ҳам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;

е) товламачилик йўли билан;

ж) кўп миқдорда.

Таҳлил қилинаётган жиноятни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан содир этилганлигини аниқлашда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг гиёҳвандлик

воситалари ёки психотроп моддалари ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали эгалланганлигини тушуниш лозим.

Гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддани ўзлаштириш айбдорга ишониб топширилган ёки унинг тасарруфида бўлган жиноят предметларини ўз фойдасига ишлатиш мақсадида ушлаб туришни билдиради. Растрата қилиш айбдорга ишониб топширилган ёки унинг тасарруфида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ўзидан бегоналаштиришда (сотиш, ҳада қилиш ёки ҳар қандай усулда бошқа шахсга бериш) ифодаланади.

Унда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар айбдорга сақлаш, ташиш, тақсимлаш ёки бошқа ваколатларни амалга ошириш учун ишониб топширилганлигида намоён бўлади³. Яъни, айбдор ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни – мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топширик муносабати билан мазкур предметларни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга ошириш орқали уларни ўзлаштиради ёки растрата қилиб юборади.

Қонунга хилоф равишда талончилик йўли билан эгаллаш деганда, айбдор шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни очикдан-очик эгаллаши тушунилади. Эгаллаш пайтида жабрланувчининг соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки бундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган ҳаракатлар ҳам шу квалификация қилувчи белги билан қамраб олинади.

Жиноят кодекси 271-моддасининг 2-қисмининг «д» бандида, қилмиш мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилганлиги учун жавобгарлик ўрнатилган. Ушбу квалификация қилувчи белгини қўллашда мансабдор шахслар ёки хизмат ваколатларига кўра гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бошқариш ёки уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлганлар томонидан ўз ваколатларидан фойдаланиб бу предметларни қонунга хилоф равишда эгалланганлигини аниқлаш лозим. Яъни, бу ҳолатда асосий ҳал қилувчи белги бўлиб мансабдор шахс томонидан ўзига берилган ваколатларидан фойдаланиб жиноят предметини эгаллаш ҳисобланади.

Товламачилик йўли билан содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда

³ Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. –Т., 2013. –Б. 21.

эгаллаш Жиноят кодексининг 271-моддаси 2-қисмининг «е» банди билан квалификация қилинади. Бу квалификация қилувчи белгини қўллаш учун, айбдор шахс жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгандан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини жиноят предметларини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш ҳолатлари аниқланиши лозим.

Мазкур жиноят айбдор томонидан юқорида кўрсатилган ҳолатларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни талаб қилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Кўрилаётган модданинг учинчи қисмида жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи белгилар сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса.

Жиноятни ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи белгилар юқорида батафсил кўриб чиқилгани боис уларга тўхталиб ўтмаймиз.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда босқинчилик йўли билан эгаллаш ҳаракатлари Жиноят кодексининг 271-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан квалификация қилинади. Ушбу квалификация қилувчи белги ўзганинг қонуний ёки ноқонуний эгалигида бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этишни назарда тутуди. Ҳужум жараёнида жабрланувчининг баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса, қилмиш кўрилаётган квалификация қилувчи белги билан баҳоланади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Кўрсатилган предметларни қонунга хилоф равишда ҳар қандай усулда эгаллаш, айбдорнинг улардан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ёки тасарруф этиш имкониятлари бор-йўқлигидан қатъи назар, улар олинган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб ҳисобланиши керак.

Жиноят кодексининг 271-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш учун жавобгарлик

улар корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга хилоф равишда олинганда, таркибида наркотиғи бўлган ўсимликлар ёки уларнинг бўлаклари қишлоқ хўжалиғи корхоналари далаларидан ва бу ўсимликлар ўстирилаётган фуқароларнинг ер майдонларидан қонунга хилоф равишда териб олинганда, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, уларни қонуний ва ноқонуний равишда эгаллаб турган фуқаролардан қонунга хилоф равишда олинган ҳолларда юзага келади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, талончилик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, товламачилик, босқинчилик йўли билан эгаллаш (ЖК 271-м.) ва ўзгалар мулкани талон-торож этишни назарда тутган тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятлар мажмуи билан, фақат бу моддалар (моддаларнинг қисмлари) санкцияси Жиноят кодексининг 271-моддасидагидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина квалификация қилиниши лозим.

Тергов органлари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак⁴.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (273-модда)

Жиноятнинг объекти – аҳолининг соғлиғи. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддалар ҳисобланади. Кўрилаётган модданинг биринчи қисм объектив томони гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда қуйидаги қилмишлардан бирини содир этиш билан ифодаланади:

– тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, ўтказиш.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б. 35.

психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ «... пировард натижада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳосил қилинган ҳар қандай ҳаракат, шунингдек, тегишли рухсат бўлмаган ҳолда наркотикларни тўйинтириш ва наркотик таъсир кучини ошириш мақсадида уларни қайта ишлаш ва тозалаш (бегона аралашмалардан ҳоли қилиш) тушунилиши лозим». Пленум қарорининг берилган тушунчасидан кўриниб турибдики, қонунга хилоф равишда тайёрлаш икки хил усулда амалга оширилиши мумкин –қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва қонунга хилоф равишда қайта ишлаш. *Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш* деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига хилоф равишда таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган ўсимликлардан, дорилардан ёхуд кимёвий ёки бошқа моддалардан бир ёки бир нечта фойдаланиш учун тайёр бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олишга йўналтирилган қасддан содир этилган ҳаракатларни тушуниш лозим. *Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда қайта ишлаш* деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига хилоф равишда таркибида бир ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддалари бўлган қаттиқ ёки суюқ қоришмадаги аралашмаларни тозалаш ёхуд бундай аралашмада (препаратда) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг тўйинганлик даражасини кўпайтириш, шунингдек бундай аралашмаларнинг фаоллигини ошириш ёки инсон организмига бўлган таъсирини кучайтириш мақсадида фармакология жиҳатидан фаол бўлган бошқа моддалар билан аралаштиришдан иборат бўлган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар тушунилади.

Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган ўсимликларни қайнатиб буғлантириш, аралашмалардан тозалаш, буғга айлантириш ва бошқа қўшимча ишлов бермасдан, яъни модданинг тузилишини ўзгаришига олиб келмайдиган майдалаш, қуритиш ёки сув билан суртиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар гиёҳвандлик воситаларни ёки психотроп моддаларни тайёрлаш тушунчасини ҳосил қилмайди⁵.

⁵ Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник/Под ред. д-ра юрид. наук, проф. В.К. Дуюнова.– М., 2008. –С. 520.

Тайёрлаш ҳаракатлари, истеъмол учун тайёр бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг, ҳеч бўлмаганда битта дозаси тайёрланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. *Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олиш* деб, сотиб олишни бошқа нарса ва буюмларга алмаштиришни, қарзга ёки ҳадяга олишни, қарз эвазига олишни, топиб олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштиришни, айбдор олган моддалари наркотик эканлигини билган бўлса, ёввойи ҳолда ўсаётган наشا ва кўкнор ўсимликларини ёки уларнинг бўлакларини, шунингдек, таркибида наркотик бўлган ўсимлик экинларининг қўриқланмаётган қолдиқларини йиғиб-териб олишни ҳисобламоқ керак. Жиноят предмети айбдор шахснинг ихтиёрига амалда ўтган пайтдан бошлаб олиш ҳаракатлари тугалланган ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сақлаш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни айбдорнинг эгаллигида: ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ташиш деганда, ташиш усулидан қатъи назар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни жўнатиш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ташиш жараёнида жўнатувчи иштирок этмаган вазиятда, алоқа бўлими жўнатмаси, багаж тариқасида ёки бошқа усулларда бир жойдан иккинчи жойга қонунга хилоф равишда юбориш тушунилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга инъекция орқали қилиш, алмаштириш, қарз ва қарз эвазига бериш, сотиш ва ҳоказолар)ни тушуниш лозим. *Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сотиш* – ўтказишнинг бир усули деб ҳисобланиши керак⁶. Кўрилаётган модданинг 1-қисми диспозициясига мувофиқ юқорида таҳлил қилинган қилмишлар кўп бўлмаган миқдорда Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б. 36–37.

прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорида белгиланган восита ва моддаларнинг кўрсатилган «оз» миқдорига тенг) содир этилсагина жиноий жавобгарлик вужудга келади.

Жиноятнинг субъекти бўлиб 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Субъектив томоннинг зарурий белгиси – ўтказиш мақсадининг мавжудлиги. Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқ лозим. Масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак.

Жиноят кодекси 273-моддасининг 2-қисмида белгиланган жиноятнинг объектив томони гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш билан ифодаланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган ёки озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган ёки озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказишдан иборат қилмишлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 273-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойлари деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига асосан жазони ижро этиш колониялари; тарбия колониялари; турмалар; тергов ҳибсхоналари (озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради) тушунилади.

Юқорида таҳлил қилинган ижтимоий хавфли қилмишлар ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилса, жиноят Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан квалификация қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, шунингдек уларни кўп бўлмаган ёки озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки қонунга хилоф равишда ўтказишдан иборат қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 273-моддасининг 4-қисми билан квалификация қилинади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мувофиқ, лаборатория – (лот. *Laboratorium, laborare* – ишламоқ) – илмий текширишлар, тажрибалар, амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлими ва улар жойлашган бинолар⁷ тушунилади. Бироқ, илмий текширишлар ёки тажрибалар ўтказиш учун махсус жиҳозланган илмий муассаса

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А. Мадвалиев таҳрири остида) / “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. www.ziyouz.com kutubhonasi

ёки унинг бўлимлари жойлашган биноларни кўрилаётган жиноят мазмунида лабораторияда содир этилган деб баҳолаш ноўриндир. Чунки, қонун талабига кўра, айнан лабораторияда, яъни керакли махсус асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш учун жавобгарлик белгиланган. Шунинг учун, бирон-бир бинода (масалан, мактабнинг кимё лабораторияси ва ҳоказо) жойлашган лаборатория бўлимидаги асбоб-ускуналардан фойдаланмаган ҳолда, лекин бинонинг бошқа хоналарида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш ҳаракатлари мазкур белгини ҳосил қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига мувофиқ прекурсорлар деганда, БМТнинг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги 1988 йилги Конвенциясига Илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай моддалар ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун мўлжалланган бангхоналар деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилиш учун мўлжалланган махсус фойдаланиладиган ҳар қандай хоналар (одам яшайдиган ёки яшамайдиган, хизмат хоналари ва бошқ.) тушунилади. Шу билан бирга, бу хоналар айбдорнинг қонуний ёки ноқонуний эгалигида бўлганлиги ёки кўрсатилган мақсадларда махсус ижарага олинганлиги қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Қонун мазмунига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш деганда, айбдор томонидан ғараз мақсадни кўзда тутган-тутмаганлигидан қатъи назар гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун махсус шароит яратилган (истеъмол қилиш мосламалари, гиёҳвандлик воситалари билан таъминланган-таъминланмаганлигининг аҳамияти йўқ) хоналарни бир ёки бир неча маротаба бериб туриши тушунилиши лозим. Бошқалар томонидан хонадондан фойдаланиш ҳуқуқигаэга бўлган шахсга билдирмасдан гиёҳвандлик воситаларини ўзлари билан олиб келиб истеъмол қилганликлари аниқланса, хонадондан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳаракатини бангхона ташкил қилган деб баҳоламаслик лозим.

Шу билан бирга бангихона сақловчиси томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар сотилган ёки ўтказилган бўлса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 273-моддасининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак⁸.

Ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналар деганда, айбдорга тегишли бўлмаган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган ҳар қандай воситалар ҳамда уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фойдаланиладиган ашёлар ва жиноят предметларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган йиғилган ҳолдаги мосламаларнинг мажмуаси тушунилади.

Бундай восита ва асбоб-ускуналарга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ашёларни таблетка ёки ампула қилиш учун мўлжалланган мосламалар (қўл бола ёки ишлаб чиқариш жойларида тайёрланган);

– восита ёки моддаларни аралаштириш учун яратилган автомат ва қўл билан бажариладиган аралаштиргичлар;

– яримфабрикатлар, бўш ампулалар, шприц идишлари ва турли хил ҳажмдаги капсулалар;

– ампула, шприц идишлар ва капсулаларни тайёрлаш учун мўлжалланган мосламалар;

– суюқликни сўриб олиш ёки итариб чиқариш, шунингдек уларни совутиш учун мўлжалланган (бундай мосламаларга хўжаликда ишлатиладиган музлатгичлар кирмайди) қўлда ёки заводда ясалган мосламалар;

– суюқлик ёки бошқа предметларни бегона аралашмалардан тозалаш учун мўлжалланган мосламалар.

Бунда мазкур восита ва асбоб-ускуналарнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлашга мўлжалланганлиги, асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятига кўра айнан ушбу жиноятнинг предметларини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш зарур. Агар бундай восита ва асбоб-ускуналар хўжалик мақсадларида фойдаланилаётганлиги тўғридан-тўғри аён бўлиб, улардан рўзғор учун фойдаланилаётганлик ҳолатлари аниқланган бўлса, бундай

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б. 37–38.

қилмиш таҳлил қилинаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди⁹.

Қайд этилган жиноятни квалификация қилишда биринчи навбатда ўтказилган (сотилган) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар миқдоридан келиб чиқиш керак.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда кўп миқдорда сотганлик учун жавобгарлик Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган.

Агар айбдор томонидан била туриб гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ниқоби остида қандайдир бошқа моддалар ўтказилса, сотилса, бундай ҳаракатлар фирибгарлик сифатида, олувчининг ҳаракатлари эса – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олишга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилиниши керак.

Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани топилган ва олинган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг ўлчами уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (ЖК 273-м.) судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозим. Масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадокланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак¹⁰.

⁹ Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. –Т., 2013. –Б. 29–30.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б. 36.

Жиноят кодекси 273-моддаси 6-қисмига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятини содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиши муносабати билан тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб, тиббиёт муассасаларига ўз ихтиёри билан мурожаат қилганлиги, уни илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлиги, сақлаганлиги, ташиганлиги ва жўнатганлиги, истеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилишга фақат бундай мурожаат шахснинг бангиликдан тузалиш нияти билан қилинган ва уни фош этилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина асос бўлиши мумкин¹¹.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (274-модда)

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга ҳар қандай усулда жалб қилиш ҳаракатлари биринчи навбатда жамоат хавфсизлиги ва аҳолининг соғлиғига жиддий зарар етказди.

Объектив томондан кўрилаётган жиноят гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш билан ифодаланади.

Шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар деганда, Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилмаган, бироқ кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар (гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари) ёхуд инсон ақл-идрокига гангитувчи (караҳт қилувчи) таъсир кўрсатадиган маиший ҳаётда, ишлаб чиқаришда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда кенг қўлланиладиган, тобеликни вужудга келтирувчи турли моддалар тушунилади. Бундай

¹¹ Ўша жойда. – Б. 38.

моддаларнинг муомаласи алоҳида тартибга солинмаганлиги боис уларни аниқлаш истисно қилиш йўли билан амалга оширилади. Яъни ушбу моддалар халқаро конвенциялар ва давлатнинг ички норматив ҳужжатларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар сифатида белгиланмаган бўлса (Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг I, II, III ва IV рўйхатлар), инсоннинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар каби кўрилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш деганда, шахсда уларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар (кўндириш, таклиф қилиш, маслаҳат бериш ва ш.к.), шунингдек, таъсир ўтказилаётган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилдириш мақсадида алдаш, руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш, озодлигини чеклаш ва ҳоказолар тушунилиши лозим.

Ушбу тушунчадан кўриниб турибдики, жалб қилиш ҳаракатлари жабрланувчини ишонтириш ёки уни мажбурлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ишонтириш йўли билан жалб қилиш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки бошқа моддаларни таклиф, илтимос қилиш, кўндириш, маслаҳат бериш, мукофот ваъда қилиш, алдаш ва бошқа шунга ўхшаш йўллар орқали руҳий таъсир ўтказиб жабрланувчида кўрсатилган восита ёки моддаларни истеъмол қилиш истагини уйғотиш тушунилади.

Мажбурлаш йўли билан жалб қилишда руҳий (қўрқитиш, дўқ-пўписа ва ҳоказо) ёки жисмоний зўрлик (уриш-дўппослаш, қийноққа солиш, баданга турли хил даражадаги шикастлар етказиш ва ҳоказо) ишлатиш орқали жабрланувчининг иродаси енгилди.

Жисмоний зўрлик ишлатиш орқали гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-идроққа таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш жараёнида жабрланувчининг баданига енгил ёки Жиноят кодекси 105-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ўртача оғирликдаги шикастлар етказилса ёхуд амалга оширилишидан

хавфсираш учун етарли асослар мажудлигида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали содир этилса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 274-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинади. Агар жалб этиш жараёнида жабрланувчининг баданига Жиноят кодекси 105-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мажудлигида ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса, қилмиш Жиноят кодекси 105-моддасининг 2-қисми ёки 104-моддасининг тегишли қисмлари ва 274-модда билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

Мазкур жиноят таркиби ўз тузилишига кўра формал таркибли ҳисобланганлиги сабабли жабрланувчини гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишга йўналтирилган ҳаракатлар бошланган пайтдан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Бунда жабрланувчининг бу восита ёки моддаларни истеъмол қилганлиги ёки қилмаганлиги аҳамият касб этмайди.

Жиноятнинг субъектив томони айбдорнинг тўғри қасд шакли билан ифодаланади. Айбдор бошқа шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилаётганини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни истайди.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Агар вояга етган шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга вояга етмаган шахс жалб қилинса, қилмиш Жиноят кодексининг 127-моддаси билан квалификация қилинади. Вояга етмаган шахс томонидан ушбу восита ва моддаларни истеъмол қилишга вояга етган шахс жалб қилинса, қилмиш Жиноят кодексининг 274-моддаси билан квалификация қилинади.

Жиноят кодекси 274-моддасининг 2-қисмида қуйидаги кўрсатилган ҳаракатлар:

а) илгари ҳам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ шахсларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳаракатлари, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан бир вақтнинг ўзида ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли вақтда содир этилганлигидан қатъий назар Жиноят кодекси 274-моддасининг 2-қисми «в» банд билан квалификация қилиниши керак¹².

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (275-модда)

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига фақатгина Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади (5-модда).

Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади. Шу муносабат билан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан кўрсатилган қонун талабларини бузган ҳолда муомала қилиш, жавобгарликни вужудга келтиради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 275-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Бу жиноятнинг объектини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари жиноят предмети бўлиб ҳисобланади.

Объектив томондан кўрилаяётган жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузишда ифодаланади. Мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий норма бланкет хусусиятга эга бўлганлиги сабабли,

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т., 2007. – Б. 38.

жиноят таркибининг объектив томони Жиноят қонунидан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 августдаги қонунининг 19-моддасига мувофиқ, II рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларини муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. III рўйхатга киритилган психотроп моддаларни юқорида белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш махсус ваколатли орган қарорига мувофиқ юридик шахслар томонидан, муайян психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом»да тиббий мақсадларда фойдаланиладиган, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув юртлари, назорат-таҳлил лабораториялари, даволаш-профилактика муассасалари лабораторияларининг илмий мақсадлари учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжи аниқланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузиш деганда, лицензиялари бўлган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқаришнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларини бузишдан иборат ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тушунилади. Яъни, мазкур жиноятда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқаришга ҳуқуқи бўлган ҳолларда бу

восита ва моддаларни ишлаб чиқаришнинг белгиланган қоидаларини бузганлик учун (масалан, ишлаб чиқариш технологияси жараёнини ташкил қилувчи норматив ҳужжатларда белгиланган қоидалардан бирини бузиш) жавобгарлик назарда тутилади. Тегишли лицензиясиз ёки лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда, тугаганда ёхуд лицензия бекор қилинганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш мазкур жиноят таркибини ташкил қилмайди. Бундай ҳолларда айбдор шахснинг қилмиши кўзлаган мақсадига кўра Жиноят кодексининг 273 ёки 276-моддалари билан квалификация қилинади. Сифатсиз дори воситаларининг ишлаб чиқарилишига сабаб бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузиш ҳаракатлари Жиноят кодексининг 275-моддаси ва белгиланган шартлари мавжудлигида, 186³-модданинг тегишли қисмлари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс ўтказиш ёки ўзлаштириш мақсадида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ортиқча қисми пайдо бўлишига сабаб бўлган ишлаб чиқариш қоидаларини қасддан бузса, унинг қилмиши Жиноят кодексининг 271-моддаси билан баҳоланиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сақлаш қоидаларини бузиш деганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 17 июндаги 2-сонли қарорида белгиланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки прекурсорларни сақлаш бўйича ўрнатилган талабларга риоя қилмаслик ёки уларни бузиш тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 август қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2003 йил 29 октябрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган

эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом», «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом», «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни транзит йўловчиларни даволаш учун ташиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом», «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2001 йил 17 июндаги 2-сонли қарорларида белгиланган.

Белгиланган қоидаларни бузиш юқорида кўрсатилган норматив ҳужжатлардаги норма ва қоидаларга риоя этмасликда ифодаланadi. Мазкур жиноятнинг объектив томонини аниқлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг аниқ қайси қоидасининг бузилганлиги кўрсатилиши лозим.

Қилмиш натижасида қандайдир ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққанлиги ёки келиб чиқмаганлигидан қатъи назар, жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидалари бузилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан бу жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилиши мумкин. Агар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган тақдирда, унинг қилмиши айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади ва жавобгарликни истисно этади.

Кўрилатган жиноятнинг субъекти бўлиб гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш мажбурияти юклатилган 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (276-модда)

Жиноятнинг объекти – аҳолининг соғлиғи. Жиноят предмети гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланади.

Объектив томондан кўрилатган жиноят гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш билан изоҳланади.

Жиноят предметларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатишдан иборат қилмишлар юқорида Жиноят кодексининг 273-моддаси кўрилатганда батафсил таҳлил қилинган.

Жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан ифодаланади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва бу қилмишларни содир этишни истайди.

Қилмишни Жиноят кодексининг 276-моддаси билан квалификация қилиш учун айбдорнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадининг мавжуд эмаслигини аниқлаш шарт, чунки жиноят субъектив томонининг мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир этади¹³.

Агар шахс мазкур восита ёки моддаларни кейинчалик ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрласа, сақласа, эгалласа, ташиса ёки жўнатса, унинг қилмиши Жиноят кодексининг 273-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Кўрилатган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Ушбу қилмишлар: а) кўп миқдорда; б) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, модданинг 2-қисми билан квалификация қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатишдан иборат қилмишларни кўп миқдорда содир этилганлик Ноқонуний муомалада аниқланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдори Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва

¹³ Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. –Т., 2013. –Б. 46.

прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорида белгиланган. «Қонунга хилоф сақлаш ёки муомаладаги топилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ўлчамининг оз, озгинадан кўп ва кўп миқдорга мансублиги рўйхати»га мурожаат қилинган ҳолда аниқланади.

Илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан жиноят предметларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш қилмишлари Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан квалификация қилинади. Жиноятни илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилиши тушунчаси юқорида батафсил ёритилган.

1.2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалогик тавсифи

Шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи гиёҳвандлик сингари иллатлар ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки, жамият тараққиётига салбий таъсир қилувчи бу иллатлар оқибатида кўплаб жиноятлар содир бўлмоқда, оилалар барбод бўлмоқда, болалар ногирон туғилмоқда.

Гиёҳвандликнинг кўпчилиқка маълум бўлган энг хавфли асорати шундаки, у шахсни физиологик жиҳатдан наркотик моддаларга боғланиб қолишига олиб келади. Гиёҳвандлик жамиятга ва инсонларга ниҳоятда кўп зарар етказадиган офат десак, муболаға бўлмайди. Чунки, наркотик моддалар шахсинг физиологик жиҳатларига ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Тиббий хулосаларга кўра наркотик моддаларни истеъмол қилувчи шахсларнинг организми, ичкиликбозлик билан шуғулланувчи шахслар организмига нисбатан 15-20 маротаба тезроқ ишдан чиқади ва бузилади. Шунингдек, мазкур турдаги жиноятларнинг

криминологик хусусиятларидан бири унинг трансчегаравий жиноят эканлиги кўпчиликка маълум.

Шунга қарамай ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Республика миқёсида 2022 йил ҳамда 2023 йилнинг 9 ойи давомида тергов ҳаракатлари олиб борилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларининг барчаси яъни 100 фоизи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилганлиги кузатилди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларининг криминологик хусусиятларидан яна бири – мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидир.

Таҳлилларга кўра, Республика миқёсида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий фоизига нисбатан 2023 йилнинг 9 ойида давомида ЖКнинг қуйидаги:

- 270-модда (*тақиқланган экинларни етиштириш*) 1-қисми билан рўйхатга олинган жиноят ишлари 32 фоизини (ушбу кўрсаткич 2022 йилда 19,6 фоиз бўлган);

- 273-модда (*гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш*) 5-қисми билан рўйхатга олинган жиноятлар 23 фоизини (ушбу кўрсаткич 2022 йилда 30 фоиз бўлган);

- 276-модда (*гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар*) билан рўйхатга олинган жиноят ишлари 30 фоизини (ушбу кўрсаткич 2022 йилда 34 фоиз бўлган) ташкил этган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкинки, ЖКнинг 270-модда 1-қисми билан содир этилган жиноятлар, 273-модда 5-қисми ҳамда 276-моддасида кўрсатилган жиноятлардан кўпроқ содир этилган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятларини ўрганишда ушбу жиноятни содир этган жиноятчи шахсига хос хусусиятларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда жиноят содир этган шахснинг жинси, ёши, бандлик даражаси, оилавий ҳолати, маълумоти, судланганлик ҳолати каби ижтимоий-демографик белгиларни

ўрганиш жиноятчи шахсга оид хусусиятларни умумлаштириш асосида ушбу турдаги жиноятларни содир этилишига қарши кураш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишга оид ишларни ўрганишда жиноятларни аёлларга қараганда эркаклар томонидан кўпроқ содир этилиши кузатилди.

Хусусан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этган шахсларнинг умумий сонидан аёлларнинг улуши 2023 йилнинг 9 ойида 6 фозни (ушбу кўрсаткич 2022 йилда 7 фозни), эркакларнинг улуши эса 94 фозни (ушбу кўрсаткич 2022 йилда 93 фозни) ташкил этган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга оид асосий хусусиятлардан бири – уларнинг ёш даражаси ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур турдаги жиноятлар асосан ёшлар ва ўрта ёшдаги шахслар томонидан содир этилган. Хусусан, Республика миқёсида 2023 йилнинг 9 ойи давомида мазкур турдаги жиноятларни 24 фозини ёшлар ҳамда 34 фозини ўрта ёшдаги шахслар (2022 йилда 25 фозини ёшлар ҳамда 35 фозини ўрта ёшдаги шахслар) содир этганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, Республикада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларини содир этган шахслар орасида 60 ёшдан ошган шахслар ҳам борлиги, нафақат ёшлар ёки ўрта ёшдагилар ўртасида, балки катта ёшдаги фуқаролар билан ҳам мақсадли профилактик ишларни олиб бориш лозимлигини англатади.

Тадқиқот жараёнида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этувчи шахсларнинг маълумот даражаси ўрганилганида, уларнинг аксарияти ўрта ёки ўрта-махсус маълумотларга эга шахслар эканлиги намоён бўлди.

Масалан, 2023 йилнинг 9 ойи давомида мазкур турдаги жиноят содир этган шахсларнинг 61 фозини ўрта маълумотли ҳамда 28 фозини эса ўрта-махсус маълумотга эга бўлганлар ташкил этмоқда. (2022 йилда 55 фозни ўрта маълумотли ҳамда 28 фозни ўрта-махсус маълумотга эга бўлган шахслардир).

Тадқиқот жараёнида ҳудудларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг илгари жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолати таҳлил қилинганида, 2023 йилнинг 9 ойи давомида жиноят содир этган шахсларнинг 73,7 фоизи (ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг 12 ойида 72,7 фоизни ташкил қилган) илгари судланмаганлиги маълум бўлган.

Бундан кўришиб турибдики, жиноят содир этган шахсларнинг кўпчилиги биринчи маротаба судланаётган шахслардир. Демак, келгусида аҳоли орасида амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирларни янада кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини жадаллаштириш лозим.

Наркотик моддалар шахснинг соғлиғига алкоғолдан, яъни спиртли ичимликлардан бир неча баробар тез, жиддий ва зарарли таъсир этади. Агар шахснинг мунтазам ичкиликбозликка берилиши 7-15 йил оралиғида доимий ичкилик ичиш билан юзага келса, унинг бир ярим-икки ой мобайнида наркотик моддаларни истеъмол қилиши гиёҳвандликка бутунлай боғланиб қолишига олиб келади.

Хулоса таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик жамият ҳаётига катта хавф туғдиради. Бу иллатлар оқибатида эса кўплаб жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари содир этилади.

Шунинг учун гиёҳвандликнинг олдини олишда ҳар бир фуқаро ўзининг масъулият ва бурчини ҳис этиши лозим. Яъни, зарур ҳолларда ўз вақтида ички ишлар органларига ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан шуғулланувчи шахслар тўғрисида ва гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчилар ҳақида хабар қилишлари лозим. Мамлакатимизда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка қарши курашнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланилмоқда, лекин бу иллатларнинг олдини олишда самарали натижага эришиш учун барча профилактика субъектлари ва давлат органлари, фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1.2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларнинг криминалистик тавсифи

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларнинг криминалистик тавсифи, энг аввало, ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва очиш борасидаги билимлар жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришда асосий омил ҳисобланади. Ушбу турдаги жиноятларни самарали тергов қилиш, унинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш борасида самарали чора-тадбирлар белгилаш учун суриштирувчи ва терговчи ушбу жиноят турининг криминалистик тавсифини билиши муҳим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар ЖКнинг XIX-бобидаги 270-271, 273-276-моддаларда назарда тутилган. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прокурсорлар билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи уларни Жиноят кодекси моддаларида берилган тушунчаларига асосланади ва қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади.

1. Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш. (ЖК 270-м.)

Экин майдонида ушбу тақиқланган экинларни кимлар томонидан етиштирганлигини, унинг ўзи истеъмол қилиши ёхуд бошқаларга ўтказиш ниятида эканлигини аниқлаш лозим. Амалиётда бундай хатти-ҳаракат кўп миқдорда даромад олиш учун содир этилса-да, гўё экинларни кексайган шахс ўзи учун парвариш этгани ҳақида ёлғон тушунтириш бериш кўп учрайди. Тақиқланган экинларни агроном-селекционер, давлат суд-экспертиза муассасалари ёрдамида экспертиза қилиниши лозим бўлади.

2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.). Уларни қўлга киритиш усули қонунга хилоф эканлиги, масалан ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, босқинчилик тарзида бўлганлиги, шахс илгари ҳам бундай қилмиш билан шуғулланганлиги, тамагирлик, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол этганлиги, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан, кўп миқдорда, уюшган гуруҳ таркибида тажовуз қилганлиги, ҳатто-

ўта хавфли рецидивист экани албатта синчковлик билан аниқланмоғи лозим.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари қаердан, қонунга ҳилоф равишда эгалланган ва уларни кимлар орқали сотиш, тарқатиш мўлжалланганига алоҳида эътибор берилиши зарур. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни контрабанда қилиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 246-м.).

3. Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш каби хатти-ҳаракатлар (ЖК 273-м.)

Мазкур жиноятлар ушбу жиноятларнинг энг жиддий тури ҳисобланади. Жиноятнинг предмети бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп бўлмаган миқдор, озгинадан кўрок миқдор, кўп миқдорларга қараб жиноят кодексининг квалификацияси ўзгаради. Шу боис жиноят предметининг нималардан иборат эканлиги ва қанча миқдордалиги албатта давлат суд-экспертиза муассасалари экспертлари томонидан исботланмоғи шарт.

Тергов жараёнида айбланувчининг шахсини, муқаддам ушбу турдаги жиноятларни содир этганлиги учун судланганлигини, уюшган гуруҳга аъзолигини аниқланаш зарур.

Ушбу жиноятлар ўқув юртларида, спорт ёки турли жамоат тадбирлари ўтказилаётган жойларда, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида содир этилиши айниқса хавфли ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларда гиёҳвандлик воситаларнинг манбалари, ушбу моддаларни қаердан олганлиги, кимларга сотганлиги, кимлар билан истеъмол қилган шахслар доирасини тўлалигича аниқлаш жуда зарур. Суриштирув натижасида ушбу шахсларда сотиш, даромад олиш мақсади аниқланмаса, улар фақат гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилгани ёки бошқа мақсадларда тайёрлагани, сақлагани учун жавобгарликка тортилади (ЖК 276-м.). Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бепул истеъмол қилишга алдаб чорлаш, ўргатиш, далолат қилиш, мажбурлаш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (ЖК 274-м.). Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш учун жиддий жазолар белгиланган (ЖК 127-м.). Бу қилмишни

бангихоналар очиш тарзида содир этиш оғир жиноят ҳисобланади (ЖК 273-м 4-қисми).

Жиноят таркибига баҳо беришда яна бир ҳолатни эътиборга олиш лозим: кўп бўлмаган миқдордаги гиёҳвандлик воситаларни ёки психотроп моддаларни бошқаларга ўтказиш мақсадида ёхуд бундай мақсадсиз қонунга хилоф равишда тайёрлаган, сотиб олган, сақлаган, ташиган ёки жўнатган шахс ўз ихтиёри билан айбига иқдор бўлиб, ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади (ЖК 273-м 6-қисми ва 276-м. 3-қисми).

4. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 275-м.) Бу қоидалар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосланган. Жумладан, унга кўра гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар фақат давлат эҳтиёжлари учун, буюртмага мувофиқ махсус лицензияга эга бўлган муассаса, корхона, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Уларни тайёрлаш, аниқлаш, фойдаланиш, бошқаларга бериш, ташиш, жўнатиш каби ҳаракатлар қатъий тартибга солинган. Ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилиши маъсул шахсларнинг қатъий тартибга риоя қилмаслигининг нимада ифодалангани, сабаблари ва оқибатлари жиноят иши бўйича батафсил аниқланмоғи лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари, жиноятчи шахснинг хатти-ҳаракатларига қараб бири-иккинчисидан кескин фарқ қилади. Аммо соғлом аҳолини фалаж қилишлари бу воситаларнинг истеъмоли натижасида одам организмида турли хил муддатда бетакрор ўзгаришларга олиб келиши, кейинчалик эса унга батамом руҳий ногиронликка мубтало бўлиб қолишлари билан боғлиқ оқибатлари уларни бирлаштириб туради. Тиббиёт нуқтаи назаридан гиёҳвандлик воситалари деганда, бир ёки бир неча хил ўсимликлардан ёхуд сунъий моддаларда тайёрланган, дастлаб истеъмом қилиш натижасида одам марказий нерв системасига таъсир кўрсатиб, руҳан таскинлик берадиган, кўпроқ истеъмом қилиш натижасида кайфиятни ҳаддан ташқари кўтариб юборадиган, охир оқибат гангитиб гўл ҳолатга соладиган восита назарда тутилади.

Гиёҳвандлик воситаларини мунтазам истеъмол қилиш одам саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, унинг фаолияти ва асабини издан чиқаради, руҳий касалликка учратади. Бундай одамнинг меҳнат қобилияти пасаяди, шахсни таназулга дучор қилади, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этишга олиб келади.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга ва махсус гиёҳвандлик воситалар рўйхатига киритилган, халқаро ягона конвенция назоратида бўлган ўсимликлардан саноат асосида ёки хонаки тайёрланган воситалар ғариконуний ҳисобланади. Назоратда бўлган бундай воситалар рўйхати психотропик хусусиятига эга бўлган (руҳиятга таъсир этувчи) янги доривор воситалар ҳисобига муттасил кўпайиб бормоқда. Уларни даволашдан бошқа мақсадларида ишлатиш ҳолатлари кўпайганлиги сабабли бундай моддалардан фойдаланиш қатъий равишда ҳуқуқий тартибга солинган.

Гиёҳвандлик воситалар билан ноқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги ишни тергов қилишда жинойт субъектининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш керак: кўп ҳолатларда айбдор шахс гиёҳвандлик воситаларига муккасидан кетган бўлади, яъни усиз тура олмайди. Гиёҳвандлик мушкул оқибатларга олиб келишини тергов жараёнида эътиборга олиш керак (гиёҳвандларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, тергов экспериментлари ўтказиш кабилар). Гиёҳвандларнинг типик белгилари ёлғон сўзлаш, ахлоқий таназулга юз тутиши ва ақлан заифлашиб қолишидир.

Жинойт ишини қўзғатиши: Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида, шунингдек текшириш ва тафтиш жараёнида ўғирлик, мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатлари, гиёҳвандлик восита ва психотроп моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш, бериш қоидаларининг бузилиши ёки гиёҳванднинг шифохонага тушиши билан боғлиқ тергов органлари томонидан суриштирув ўтказиши натижасида аниқланган ҳолатлар жинойт ишини қўзғатишда, энг кўп учрайдиган сабаблар ҳисобланади.

Ушбу турдаги жинойтнинг ўзига хос томони шундаки, жинойт содир этган шахсни жинойт устида қўлга олиш кўпгина ҳолларда уларни фош қиладиган ашёвий далилларга эга бўлишга имконият яратади ва у тергов қилишнинг бундан кейинги йўналишини белгилаб беради. Агар гиёҳвандлик воситаларини ёки уларнинг изларини топиш имкони бўлмаса, амалда уларни сақлаш, ташиш ва истеъмол қилганлигини исботлаш жуда қийин кечади.

Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилаётган шахсларни жиноят содир этган вақтда ушлаш (олиб кетаётганда, келишувни амалга ошираётган вақтда, кўкнори ширасини тайёрлаётганда) бу вақтда гиёхвандлик воситалари гумон қилинган шахсда бўлишини, кузатувчи шахс олдиндан билиши керак. Жиноят содир этган шахсларни ушлаш қўлга олиш навбати тўғрисидаги масала ҳар бирини ушлаганда қандай натижаларга эришиш мумкинлигига қараб ҳал қилинади. Уларнинг ҳар бирини ушбу жиноятдаги роли ва иштироки, жиноятчи шахслар гуруҳи билан алоқалари ҳисобга олиниши керак. Бу тўғри кўрсатув бериши мумкин бўлган шахсни аниқлаб олиш имконини беради.

Гиёхвандларни қўлга олишнинг энг самарали усули тўсатдан ҳаракат қилиш ҳисобланади. Жиноятни содир этиш усуллари ва ниқобланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиб, қўлга тушириладиган жой белгиланади. Қўлга тушириш гиёхвандлик воситалар ва психотроп моддаларни олиб кетаётган транспортда, турар жойда олди-сотди битими амалга оширилаётганда, кўкнори ва нашадан гиёхванд тайёрлаётганда, гиёхвандлик моддалари қабул қилаётганда маълум жойда сақлаётганда; истеъмол қилаётганда, жўнатаётганда, сотаётганда амалга оширилади. Шунингдек, гиёхвандлик воситаси олинadиган ўсимликларни етиштиришда, экишда, ишлов бераётганда, ҳосилини йиғиштириб олаётганда бундан ташқари, фармацевтика фаолияти йўналиши бўйича ўғирланган гиёхвандлик воситаларни олиб чиқаётганда; дорихона ёки даволаш муассасасида уларни сохта рецепт бўйича олиб кетаётганда ҳам қўлга тушириш мумкин.

Гиёхвандлик воситаларни фармацевтика корхоналари, даволаш муассасалари, дорихоналардан ўғирлик йўли билан олганларни тергов қилишда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш керак:

- ўғирлик содир этилганми;
- ким содир этган;
- қандай усулда амалга оширилган;
- мунтазам содир этиб турилганми;
- ўғирланган гиёхванд моддалар миқдори;
- ўғирланган модда қаерга яширилган;
- ўғирликдан мақсад истеъмол қилишми ёки сотишми;
- олиб-сотарлар билан олдиндан келишиб олинганми;
- ўғирланган моддалар қайси йўллар билан тарқатилган;

- ўғирликка қандай шароит имкон берган.

Гиёҳвандлик воситаларни сотиш билан боғлиқ ишни тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқланиши даркор:

- гиёҳвандлик воситасининг манбаи қаерда;
- у кимдан харид қилган;
- олди-сотди ҳақида олдиндан келишиб олинганми;
- муҳсулот қандай баҳоларда сотиб олинган;
- маҳсулотни ўтказиш йўллари;

- жавобгарликни оғирлаштирадиган ва, аксинча, енгиллаштирадиган ҳолатлар, чунончи гуруҳнинг мавжуд бўлганлиги, мунтазамлиги ва ҳ.к.

- жинойт содир этишга қандай шароитлар имкон берган.

Муайян шахсда гиёҳвандлик воситаларнинг мавжудлиги тугалланган жинойт таркибини ташкил этади, чунки қонунга кўра, бу воситаларни ўзи истеъмол қилиш учун олганлар ҳам жавобгарликка тортиладилар; шу билан бирга гиёҳвандлик воситаларни тарқатиш билан боғлиқ жинойтлар уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилади. Шу сабабли жинойтга алоқадор барча шахсларни аниқлаш зарурдир.

Дастлабки тергов ҳаракатлари

Жинойт устида қўлга олиш ва тинтув ўтказиш баённомалари дастлабки далил тарзида бўлиб, муайян бир шахсда гиёҳвандлик воситалар топилганлигини билдиради, холос. Бундай вазиятда содир этилган жинойт усули ва тезкор-қидирув ишлари натижаларига оид маълумотларга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

Гумон қилинган шахснинг турмуш тарзи, жинойт содир этиш усуллари, унинг кимлар билан учрашганлиги ва қайси маршрут бўйича сафар қилганлиги тусмол тузиш учун бошланғич маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Энг типик версияни қуйидаги кўринишда таклиф этиш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларни қўлга олишда:

а) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни олиб-сотарга улгуржи пуллайди савдогар эса уни чакана нархда сотади;

б) қўлга олинган шахс фақат олиб-сотар томонидан ёлланган шахс;

в) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситалар ўғриси;

г) қўлга олинган тасодифий унга юкни элтиб бериш топиширилган, у нимани олиб кетаётганлигини билмайди;

д) қўлга олинган шахс – гиёҳванд, у гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш учун ўғирлаб олган ёки тайёрлаган;

е) қўлга олинган шахс гиёҳвандлик воситасини дорихонадан ёки даволаш муассасасидан ўғирлаб олган.

Гиёҳвандлик воситасини сотаётганда қўлга олинганда:

а) сотувчи иккинчи даражали шахс бўлиб, унга гиёҳвандлик воситасини сотиш вазифаси юклатилган;

б) сотувчи – гиёҳвандлик воситаларини ўғирлаб олган;

в) сотувчи афюн ва наша билан савдо қилади, бу хил моддаларни кўтарасига сотади, ундан чакана савдо билан шуғулланувчилар харид қилади;

г) сотувчи гиёҳвандлик воситаларни уни етиштирадиган ёки тайёрлайдиган жойдан олади;

д) сотувчи ўзига ўхшаш олиб-сотар ва элтиб берувчи билан ҳамкорлик қилади;

е) харидор наркотик моддани ўзи истеъмол қилади;

ж) харидор наркотик моддалар билан савдо қилади, кўтарасига сотиб олади ва жойларга олиб бориб майдалаб пуллайди;

з) харидор бангихона эгаси, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни бангилар истеъмол қилиши учун олади;

и) харидор гиёҳвандлик воситаларни майдалаб сотиш учун олади;

к) харидор гиёҳванд шахс, айтилиши вақтда ўз харажатларини қоплаш учун гиёҳвандлик воситани майдалаб сотади.

Илгари сурилган тусмолларни текшириш – турли тергов ҳаракатлари, айниқса тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш орқали амалга оширилади. Тергов тусмолларини текшириш учун тергов ишларини яхши режалаштириш зарур. У мураккаб гуруҳли ишларни тергов қилишда жуда муҳим ҳисобланади, бунда турли шахар ва туманларда тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Гуруҳлар томонидан содир этилган кўп эпизодли жиноят ишларини тергов қилишда янгидан-янги ҳолатлар аниқланади. Шунга мувофиқ янги тусмоллар вужудга келади, натижада тергов режаси ўзгаради, янги ҳаракатлар билан тўлдирилади.

Ниқобланган гуруҳли гиёҳвандлар томонидан содир этилган жиноятни тергов қилишда тезкор ҳодимлари билан ҳамкорликда иш юритиш лозим. Шунинг учун алоҳида қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисидаги ишларда суруштирув органларига топшириқ бериш ҳолатлари назарда тутилиши керак. Қоидага кўра бирор жойга боришни ҳам режалаштириш лозим, чунки

кўрилаётган жиноят ишлари бошқа шаҳар, туман ва вилоятларда юрган жиноят гуруҳи аъзоларини талаб этади.

Мазкур тоифага оид ишлар юзасидан тинтув ўтказишнинг ўзига хос томонлари қуйидаги вазиятларга кўра амалга оширилади.

Гиёҳвандлик восита, психотроп модда ёки прокурсорни тегишли рухсатномасиз оз миқдорда бўлса ҳам сақлаш жиноят ҳисобланади. Бу ҳақда жиноят содир этган шахс билгани учун уни сақлаш усулларини ўйлаб топади, билиш қийин жойларни танлайди. Жиноят иштирокчилари кўп ҳолларда қариндош ва яқин муносабатдаги шахслар бўлиб чиқади. Улар гиёҳвандлик воситаларни турли вақтларда турли хонадонларда сақлайдилар. Қишлоқ жойларда кўкнори ўсимликлари етиштирадиганлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни яшириш имкониятлари катта бўлади. Жиноятчилар жавобгарликдан қочиш мақсадида қўлланиладиган усуллардан бири – уларнинг транспортда жўнатаётган буюмлари ичидан, ҳовлидаги қурилмалардан ва томорқа участкаларидан топилган гиёҳвандлик моддалари ҳақида ҳеч нарса билмасликлари ҳақида ваз қилишдир. Бундай ҳолатда гумон қилинган шахсни аниқлаш анча қийин кечади. Гиёҳвандлик моддаларни сақлаб қўядиган, элтиб берадиган, олиб-сотадиган, воситачилик қиладиганлар тўғрисидаги маълумотларни тезкор-қидирув тадбирлари орқали аниқланади.

Тинтув вақтида турли ўрамдаги тарозилар, гиёҳванд воситалар излари, қолдиқлари топилган бўлса, ушбу шахс гиёҳвандлик воситалари тайёрловчи ёки воситачи бўлиши мумкин. Жиноятнинг ташкилотчиси аниқланганда унинг бошқалар билан алоқасини кўрсатадиган ҳужжатларга кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Тинтув ўтказишнинг асосий вазифаси гиёҳвандлик воситалари ва бошқа ашёвий далилларни топишдан иборат. Гиёҳвандлик воситаларини ўлчаш, қадоқлаш учун ишлатиладиган тарозилар; гиёҳванд восита олинадиган ўсимлик қолдиқлари; наша тайёрлашда фойдаланиладиган элак, халтачалар, пресслар шприц, махсус найчалар; жиноят йўли билан топилган пуллар ва қимматли буюмлар; қалбаки рецептлар ва ҳ.к. Жиноят иштирокчиларининг ёзишмаларини, почта воситасида ўтказилган пул ҳисоб-китобларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тинтув вақтида топилган ҳужжатлар жиноятчи шахсларнинг ниқобланган алоқаларини аниқлаш имкониятини беради. Бундай ҳужжатларга хат, телеграмма, пул переводлари, посилкаларга тегишли маълумотнома, ёдномалар, бланклардаги турли ёзувлар,

сақлаш камераси квитанцияси, халқаро сўзлашувлар тўғрисида квитанциялар, меҳмонхона ҳисоб-китоб қоғозлари, самолёт, темир йўл, автобус, трамвай чипталари кабилар киради.

Топилган ёзишмалар синчковлик билан ўрганилиши лозим. бундай ёзишмалар сирли маъноларга эга бўлади, уларда жиноятни ниқоблаш мақсадида шифрланган усулдан фойдаланадилар, жаргон сўзларни ишлатадилар. Гиёҳвандлик воситалари сақланадиган яширин жойни аниқлаш алоҳида маҳорат ва синчковлик талаб қилади. Уларни баъзан турли озиқ-овқат маҳсулотлари солинган идишларда сақлайдилар, устига ёғ, сметана, мой қуядилар, крупа, ун кабилар соладилар. Деворларда, дераза тагида, мебелларда, болалар кўғирчқларида яширадилар, шунингдек хўжалик қурилишлари, томорқа участкалари, ҳавлиларда, учоқ атрофида, молхоналарда яширин жой тайёрлайдилар. Тинтувда ўргатилган итлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тинтув натижалари баённомада ўз ифодасини топиши керак.

Яширган жой топилганда уни тасвирлаб кўрсатиш ва суратини олиш лозим. Турли жойдан топилган гиёҳвандлик воситалари алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши ва экспертизага топширилиши лозим. Экспертиза уларнинг таркиби, тозалик ва намлик даражасини аниқ белгилаб беради.

Ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечириш, одатда, гиёҳванд воситаларини дорихона, даволаш муассасалари, фармацевтика корхоналарида ўғирлик содир этилганда ва бундай объектларда босқинчилик юз берганда амалга оширилади.

Гиёҳванд воситалар сақланган жойни синчиклаб кўздан кечириш, жиноятчининг қўл, оёқ изларини аниқлашга эътиборни қаратиш лозим. Гиёҳванд воситалар жойланган идиш ва у сақланадиган жойни очишда ишлатилган қуролларни ҳам текшириш талаб этилади. Ҳодиса рўй берган жойдаги изларни фото суратга олиниши ва баённомада аниқ-равшан кўрсатилиши лозим.

Кўкнори етиштирадиган жой аниқланганда уларда қанча маҳсулот етиштирилиши, улардан қанча ҳосил олиниши мумкинлиги, майдоннинг схемаси, ҳажми ва экинликларнинг барчаси йўқотилганлиги, бир неча туп намуна олингани баённомада кўрсатилиши лозим.

Кўкнори қайси экинлар орасида экилганлиги, текшириш вақтида экинлар қандай ҳолатда бўлганлиги, пишган, пишмаган, йиғиштириб олинган, бир қисми йиғиштириб олинган, одам изи, ҳайвон ва

транспорт воситаси излари ҳисобга олинади. Бундай тадбирларда агроном мутахассисларни жалб этиш лозим.

Гиёҳванд воситалар тайёрланадиган, қайта ишланадиган ёхуд истеъмол қилинадиган хонани кўздан кечиришда турли мосламаларга, хом ашёларга ҳамда идишдаги изларга эътибор бериш зарур.

Шиша ва металл идишларда аниқланган гиёҳванд восита ва қўл излари энг асосли далилий ашё ҳисобланади.

Гумон қилинганларни жинойт устида қўлга олишда гувоҳ бўлганлар асосан ушбу вазият билан боғлиқ шахс ҳисобланадилар. Бу гувоҳларни сўроқ қилиш зарур, чунки қўлга олинган жинойтчи шахс уни фош қиладиган предметлар меники эмас, деб тониши ҳеч гап эмас.

Агар жинойтчи шахс гиёҳванд воситаларни олиб кетаётганда ушланса, автобус ва троллейбус ёки бошқа транспорт воситаларига қаерда ўтиргани, қандай одамлар уни кузатгани, унинг қўлида нима бор эканлигини аниқлаш зарур. Бу саволларга йўлда ҳамроҳ бўлганлар, автотранспорт хайдовчилари, автобус кондукторлари ва кассирлари жавоб беришлари мумкин.

Юк сақланадиган жой ходими сўроқ қилинганда сақлашга қўйилган юкнинг хидига урғу берилади. Аммо жинойтчилар бу ҳолатни олдиндан билиб, ҳидини ниқоблаши мумкин (қалампир, атир кабилардан фойдаланадилар).

Гиёҳванд моддалари билан ноқонуний савдо қулувчи шахслар кўп ҳолларда транспортнинг такси туридан фойдаланадилар. Такси хайдовчилар мижозини қайси манзилга етказиб қўйгани ва кимлар билан учрашгани тўғрисида маълумот бериши мумкин.

Айбланувчи шахснинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари, қўни-қўшниларидан унинг ҳаёт тарзи, жинойт шериклари, учрашувлари ва сафарлари тўғрисида сўраш керак. Гувоҳларни сўроқ қилиш жинойт содир этган шахс ушлангандан кейин дарҳол ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда улар ўзаро тил бириктириб ёлғон кўрсатув беришга келишиб олишлари мумкин.

Сурункали гиёҳванд шахслар даволанишни хаёлига ҳам келтирмайди, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий кўз билан кўрмайди, улар таназзулга юз тутган шахслардир. Бундай шахслардан ҳақиқий маълумотларни олиш анча қийин кечади.

Гиёҳванд гувоҳ абстиненцияга тушган вақтда олинган маълумотларга баҳо беришда эҳтиёт бўлиш керак. Гиёҳванд

айбланувчи манфаатини ёқлаб, шантаж қилишгача бориши, хатто жиноятга қўл уриши, ўзлари берган кўрсатувлардан тонишлари ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг кўрсатувларини қайта-қайта текшириб кўриш, бошқа манбалар билан солиштириш мақсадга мувофиқ.

Гиёҳванд воситаларни сақловчиларга бу хилдаги хатти-ҳаракатнинг ёмон оқибатларга олиб келишини тушунтирганда гуруҳ ташкилотчисини қўлга олиш муҳимлигини уқтириш самарали натижалар беради. Агар гумон қилинган унга сақлаш учун берилган нарса нима эканлигини билмаган эдим, деб кўрсатув берса, унинг бу кўрсатувларини йиғилган маълумотлар билан солиштириб кўриш зарур.

Жиноятнинг ташкилотчилари ва асосий иштирокчиларини сўроқ қилишда тинтув вақтида топилган далиллар, гувоҳлар кўрсатувлари, эксперт хулосаларидан моҳирона фойдаланилмаса, сўроқ яхши натижа бермайди.

Топилган нарса гиёҳвандлик хусусиятга эга эканлиги фақат экспертиза воситасида аниқланади. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича комплекс суд-тиббиёт ва суд-психологик экспертиза ўтказиш ва экспертлар ҳал қилиши учун кўпинча қуйидаги саволларни қўйиш керак:

- текширилаётган шахс яқинда гиёҳванд восита қабул қилганми; унда сурункали норкоманлик белгиси мавжудми;

- у наркотик моддаларга қарши ўтказиладиган мажбурий даволатишга мажбурми;

- у жиноят содир этилган вақтда гиёҳвандлик таъсирида бўлганми ва бошқалар.

II БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги ислохотлар биринчи навбатда, жамият аъзоларининг тинчлигини таъминлаш, уларнинг эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда айрим тоифадаги шахслар маънавиятида юзага келадиган турли иллатларнинг олдини олишни таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи гиёҳвандлик сингари иллатлар ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки, жамият тараққиётига салбий таъсир қилувчи бу иллатлар оқибатида кўплаб жиноятлар содир этилмоқда, оилалар барбод бўлмоқда, болалар ногирон туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда дея таъкидлаб ўтган эди.

Барчамизга маълумки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, аввало, инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий негизига, аҳолининг жисмоний, руҳий ва маънавий таназзулга учрашига, яъни одамларнинг шахсий деградациясига, аҳолининг насл қолдириш қобилиятига ва келгуси авлоднинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бу иллат мамлакатимиздаги криминоген вазиятни оғирлаштиради, жиноятчиликнинг оммавий негизлари яратилишига, натижада уюшган жиноятчилик илдиз отишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи аҳолининг ҳаёти, соғлиғи учун жиддий хавф туғдириши билан бир қаторда, бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларнинг кўпайишига, коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига, жамоат тартибини ҳамда жамиятимиз ахлоқини, иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларини бузилишига сабаб бўлмоқда. Биринчи навбатда, гиёҳвандликнинг ёшлар орасида тарқалиши давлатларнинг миллий хавфсизлигига алоҳида хавф туғдирмоқда. Дунёда гиёҳвандликнинг тарқалиш кўлами ва суръати, ёшларнинг жисмоний ва ахлоқий саломатлиги ҳамда келажагини ҳимоя қилиш, жамиятимизнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш масаласини ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айлантirmoқда. БМТнинг наркотик ва жиноятчилик бўйича Бошқармасининг 2016 йилдаги Наркотиклар ҳақидаги умумжаҳон докладида келтирилган маълумотларга кўра, 2014 йилда дунёда 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган 250 миллиондан ортиқ киши ҳеч бўлмаганда битта турдаги наркотик моддасини истеъмол қилганлиги қайд этилган. Наркотик моддаларни истеъмол қиладиган 29 миллиондан ортиқ киши турли хил касалликларга чалинган, улардан 12 миллион киши наркотикларни инъекция орқали истеъмол қилади ва уларнинг 14 фоиз ОИВ билан яшамoқда. 2014 йил давомида наркотиклардан 207400 та одам ҳаётдан кўз юмганини ҳисобга олиб, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар орасида ўлим даражаси ҳар бир миллион кишига 43,5 ни ташкил этди.

Буларнинг барчаси бугунги кунда гиёҳвандликка батамом барҳам бериш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мутасадди органлар олдида кескин чоралар кўриш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш заруратини қўймоқда. Айниқса, судлар томонидан жинoий жазo чораларини тайинлашда алоҳида ёндашув ва содир этилган қилмишнинг жамият учун хавфлилик даражасига етарли баҳо бериш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича қонунчилик тизими мустақиллик йилларида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз

миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш ҳамда ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик каби қилмишларга маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг XIX бобида эса бевосита гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар (ЖК 270–276-моддалар) учун жавобгарликлар белгиланган. Шу билан бирга, Жиноят кодексига вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш (ЖК 127-моддаси 2, 3-бандлари), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган (ЖК 246-модда. Контрабанда).

Шуни айтиш керакки, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзда ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори, шу билан бирга Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция (1971 йил 21 февраль, Вена), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик воситалар ва психотроп моддалар қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция (1988 йил 20 декабрь, Вена), шунингдек мазкур соҳага оид бошқа халқаро келишувлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам риоя этилади.

Бундан ташқари, Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг кимёвий прекурсорларини қонунга хилоф равишда тарқатишга қарши курашда ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Битим (Тошкент, 1996 йил 19 октябрь), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги Битим (Минск, 2000 йил 30

ноябрь), Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш, уларни суиистеъмол қилиш ва прекурсорларни қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Битим (София, 2003 йил 24 ноябрь), Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги Битимлар (Тошкент, 2004 йил 17 июнь) ва халқаро келишувларни мисол қилиб айтиш мумкин.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали натижаларга эришишда асосий омил бўлади

2.1. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларинг сабаблари таҳлили

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширишга жадал киришилди. Бинобарин, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган қоида ва меъёрларни тан олиш, уларни

миллий қонунчиликда жорий қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунинг натижасида ҳозирги кунга қадар 60 дан зиёд халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилинганлиги бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўламини яққол намоён этмоқда.

Фуқароларнинг соғлиғини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш мақсадида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашиш долзарб аҳамият касб этади.

Гиёҳвандлик киши организмига оғир асоратларни келтириб чиқарувчи касалликдир. Чунки, гиёҳвандлик моддаларига берилган одамнинг ҳаёти ва фаолияти бундай моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилишига боғлиқ бўлиб, бу нарса шахсни ҳам жисмонан, ҳам руҳан ҳолдан тойишга олиб келади.

Гиёҳвандлик ҳақида сўз юритганда, аввало гиёҳвандликнинг луғавий маъносини аниқлаштириб олиш зарур. Гиёҳвандлик – юнонча «наркотикос» сўзидан олинган бўлиб, маъноси бир лаҳза бўлса-да ҳаёт ташвишларидан, муаммоларидан йироқлашиш ёки физиологик роҳатланиш хоҳишидир.

Наркотик моддаларга наша, қора дори, героин, кўкнори, опиум, кокаин феномин каби таркибида кишининг марказий асаб тизимини кўзғатувчи, ухлатадиган моддаларни киритиш мумкин. Бу моддаларни истеъмол қилиш, уларга ружу қўйишга, яъни физиологик ва психологик боғланиб қолишга олиб келади.

Ачинарлиси шундаки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар нафақат шахсининг соғлиғига, балки, унинг руҳиятига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Шахсининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- шахсининг инсоний хислатларидаги заифлиги, кайф-сафога мойиллиги;
- шахсининг хусусиятлари: тажанглик, неврозлик ҳолатлари, эмоционал тангликнинг етишмаслиги, ўзини назорат қила билмаслик,

ўз талабини қондира олмаслик, айрим қийинчиликларга бардош бера олмаслик;

– атрофдаги шахслар ёки тенгқурларнинг таъсири, гуруҳларга қўшилиб қолиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг ёмон оқибатларини чуқур ўйламаслик;

– оиладаги айрим нохушликлар, бола тарбиясида йўл қўйилган камчиликлар;

– атрофдаги шу йўлга кириб қолган яқин кишиларнинг таъсири, мактабдаги айрим шахслар – мактабдошларнинг таъсири;

– ишининг юришмаслиги, ишқий муҳаббатдаги кўнгилсизликлар;

– шахснинг салбий муҳитга тез берилиши;

– шахснинг уйдан тез-тез бош олиб чиқиб кетиши;

– шахснинг ота-онаси ўртасида тез-тез жанжал бўлиб туриши;

– шахснинг бўш вақтини оқилона ташкил эта олмаслиги;

– шахс яшайдиган оилада гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг авж олиши;

– бир хил турмуш тарзидан вақтинча бўлса ҳам воз кечишни исташи натижасида шахснинг руҳиятида ўзгариш юзага келиши;

– шахснинг бугунги кун билан яшаши, совуққонлик оқибатида пессимистик (тушкун) дунёқарашга эга бўлиб, ўз ҳаёти ва турмуш тарзидан қоникмаслиги;

– шахснинг оиласида ўзига хос муаммо борлиги ва бу муаммони ҳал қилишга унда хоҳиш ва истакнинг йўқлиги;

– шахсда шахсий-ижтимоий психологик салбий омилларнинг мавжудлиги;

– шахснинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан иродасининг бўшлиги;

– шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш натижасида қандай оқибатлар келиб чиқишини олдиндан башорат қила олмаслиги ва ҳоказо.

Гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо қилувчи шахслар ва гиёҳвандлар болани бу иллатга ўргатишда, асосан, моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларнинг болаларини ўзларига ўлжа сифатида жалб қилишга кўпроқ ҳаракат қиладилар.

Бундай объектив ва субъектив сабабларни санашни давом эттириш мумкин, лекин шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишига битта аниқ омилни сабаб қилиб кўрсатиш мушкул. Агар шундай сабаб бўлса, ўша сабабни рўқач қилиб кўрсата олсак, у ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки

психотроп моддаларни истеъмол қилинишига чек қўя олган бўлар эдик.

Маълумки, боланинг келгусидаги шахс сифатида жисмоний ва маънавий шаклланиши асосан оиладаги муҳит, ота-онасининг кимлиги, оилада қандай ўринни эгаллаши, эр-хотиннинг ўзаро муомаласи, боланинг ҳар томонлама шаклланишида улар олиб бораётган тарбиявий ишларга ва қайси усул билан тарбия қилаётганига боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳам жиноятчиликка, шу қатори гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат ва ҳукумат даражасида профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадқиқот давомида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов Департаменти ва унинг қуйи бўғимлари томонидан Жиноят кодексининг 270-271, 273-276-моддаларида назарда тутилган жиноятлар юзасидан 2022 йил ҳамда 2023 йилнинг 9 ойи давомида тергов ҳаракатлари олиб борилиб, дастлабки тергов натижасига кўра, судга тақдим этилган жиноят ишларининг айблов хулосалари ўрганилди. Ушбу таҳлиллар давомида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларинг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилиниб, жиноятлар содир этилишини барвақт олдини олиш ҳамда фуқароларнинг виқтимлик даражасини камайтириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов Департаменти ва унинг қуйи бўғимлари томонидан тергов қилинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини таҳлили натижасида ушбу турдаги жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларга қуйидагиларни киритиб ўтиш мумкин:

- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш орқали даромад топишга интилиш;
- носоғлом оилада тарбияланганлик;
- бошқа шахсларнинг салбий таъсири;
- қисқа даврда юзага келган у ёки бу моддий етишмовчиликни бартараф этишга ҳаракат қилиш;
- ҳуқуқий билимларни йўқлиги;
- ахлоқ қоидаларига зид турмуш тарзига одатланиш.

Маълумки, юқорида кўрсатиб ўтилган омилларни ҳар бирига алоҳида тўхталиш ўз навбатида мазкур омилларни ҳам келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга хизмат қилади.

1. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш орқали даромад топишга интилиш.

Ушбу омил жуда кўплаб жиноятларни содир этилишида асосий роль ўйнайди, яъни жуда кўп ҳолларда жиноят содир этишдан асосий мақсад кундалик эҳтиёжларини ишламасдан, халол меҳнат қилмасдан ёки меҳнатдан қочиш орқали қондиришга интилишида намоён бўлади. (2022 йил 12 ойида 40,8 фоиз, 2023 йил 9 ойида 27,7 фоиз ташкил этади)

Жиноят ишларининг таҳлиliga кўра, жиноятларни асосан ишсизлар (2022 йил 12 ойида 29,6 фоиз, 2023 йил 9 ойида 26,3 фоиз ташкил этади), шунингдек мавсумий ишчилар (2022 йил 12 ойида 47,0 фоиз, 2023 йил 9 ойида 53,6 фоиз ташкил этади), томонидан содир этилаётганлиги ҳам ушбу омилни янада кучайишига хизмат қилади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этилишида ҳам ўз эҳтиёжларини осон йўллар билан қисқа вақт оралиғида қондириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

2. Юзага келган моддий етишмовчиликни бартараф этиш.

Ушбу омил бирор бир моддий эҳтиёж пайдо бўлганида, ушбу эҳтиёжни қонуний йўллар орқали қондирилмаган шахсининг айнан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этиш йўли билан қондириши тушунилади. (2022 йил 12 ойида 2,2 фоиз, 2023 йил 9 ойида 1,4 фоиз ташкил этади)

Ушбу сабаб ҳам кўпроқ биринчи маротаба мазкур жиноятини содир этган шахсларда намоён бўлади. (2022 йил 12 ойида 72,3 фоиз, 2023 йил 9 ойида 73,8 фоиз ташкил этади). Бу омил айрим ғараз ниятли ёки ғараз ниятда бўлмаган шахслар томонидан маълум бир хатти-ҳаракатлар орқали бир шахсни жиноят содир этишига сабабчи бўлиши билан изоҳланади.

Яъни, маълум бир шахсларни салбий таъсирига тушиб қолиши мумкин бўлган инсонларни ҳам турли тоифаларга ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Хусусан:

– турмуш шароити оғир бўлган оилаларда моддий қийинчиликлардан норози бўлган тарафнинг ҳар қандай йўллар билан

пул топишга ундалганлиги сабабли жиноий қилмишга қўл урган турмуш ўртоқлар;

– тезда кўпроқ бойлик орттириш истагида бўлган шахслар;

– муқаддам судланган ёки жазони ижро этиш муассаларидан озод этилиб ўзига муносиб ҳаёт тарзини топа олмаётган шахслар.

3. Ахлоқ қоидаларига зид турмуш тарзига одатланиш.

Ушбу омил ахлоқ қоидаларига зид турмуш тарзига одатланиш орқали шахснинг айнан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этиши тушунилади. *(2022 йил 12 ойида 3,9 фоиз, 2023 йил 9 ойида 2,7 фоиз ташкил этади)*

Ахлоқ қоидаларига зид турмуш тарзига одатланиш оиладан бошланади. Оиладаги носоғлом муҳит бу – оиладаги оила бошлиқларининг инсонийлик, одоб-ахлоқ ва урф-одат каби эзгу ишларни тарғиб қилишдаги вазифаларини бажармаётганлиги билан изоҳланади. Яъни оила бошлиқларининг аввало ўзларини тўғри тарбияланганлиги оиладаги муҳитни соғломлаштиришнинг илк қадами ҳисобланади. Шунингдек, оиланинг барча аъзоларини бир-бирлари билан ўзаро муносабатларидаги самимийлик ҳам муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади. Ота-онани бир бирига бўлган илиқ муносабати ёки фарзандлар билан ота-оналар ўртасидаги салбий муносабатлар кўп оилаларда носоғлом муҳитни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Оиладаги соғлом муҳитни яратиш учун энг аввало оиладаги кичик жанжалларга барҳам бериш лозим. Ҳар қандай вазиятларда ҳам оиланинг ҳар бир аъзолари бир-бири билан ўзаро муносабатда сабрли бўлишлари керак. Инсонлар доимо бир-бирлари билан самимий муносабатда бўлишлари учун ҳаммада шукроналик ҳисси бўлиши лозим. Зеро шукроналик бу қалбни барча моддий жараёнлардан доимий розилигини таъминлайди.

2.2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлили.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай жиноятларнинг содир этилиши атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолдаги барча шарт-шароитлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро ҳар бир жиноятни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тўғри аниқланиши келгусида ушбу жиноятлар профилактикасини тўғри ташкил этилишига хизмат қилади ҳамда жиноятларни олдини олиш самарадорлигига янада ижобий таъсир кўрсатади.

Айтиб ўтиш керакки, ҳар бир жиноятни содир этилишидаги ўзига хосликлардан келиб чиқиб, ушбу жиноятларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳам турлича бўлади.

Хусусан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этилишига кўпроқ қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- оиладаги носоғлом муҳит;
- атрофдаги шахсларнинг бепарволиги;
- ёшлар орасида гиёҳвандлик моддаларини ёшлар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларининг ортиб бориши;
- дорихоналарга рецептсиз синтетик гиёҳванд препаратларнинг янги турларининг кириб келиши;
- гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний айланишини назорат қилиниш тизимидаги (хуқуқий ва ташкилий томондан) айрим камчиликлар мавжудлиги;
- вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги;
- интернет тармоғи ва хорижий фильмларнинг салбий таъсири;
- бошқа шарт-шароитлар.

Ёш авлодни гиёҳвандлик иллатидан асраш, ёшлар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсмир ёшлар ҳар-бир давлатнинг асосий кучи ва келажагини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланганлиги сабаб ёшларни тўғри тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг, маҳалланинг, жамиятнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси эканлиги барчамизга маълум. Республикамизда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи ёшлар орасида бу иллатларнинг кўпайиб кетишини қуйидаги ҳоллар билан тушунтириш мумкин:

- ота-онаси ёки қариндошлар орасида алкоголизм ёки гиёҳвандлик касаллиги билан оғриган беморларнинг борлиги;
- оилада наркотик моддалар билан савдо қилувчиларнинг борлиги;
- ўсмирларнинг устидан назоратнинг сустлиги ёки умуман йўқлиги;
- уларнинг дўстлари орасида ушбу касаллик билан оғриган ёши каттароқ ёшларнинг борлиги;
- ўсмирларнинг ушбу касаллик туфайли келиб чиқаётган асоратларнинг билмаслиги;

- ўсмирларнинг ҳар хил нарсаларга қизиқувчанлиги, тез таъсирга берилувчанлиги;
- ҳар хил спорт, санъат ва бошқа тўғаракларга қатнашмаслиги;
- аҳоли орасида гиёҳванд восита ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги;
- давлатимиз наркотик модда ишлаб чиқарувчи давлатлар билан қўшнилиги ва транзит территорияда жойлашганлиги;
- наркотик моддалар савдосини ўзига касб қилиб олганларнинг борлигидир.

Хусусан, Республикамизда содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари таҳлил этилганида, ушбу жиноятларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар кўрсаткичлари қуйидагича акс этди:

Таҳлилларга кўра, мазкур жиноятларнинг содир этилишига энг кўп (2022 йил 12 ойида 16,4 фоиз, 2023 йил 9 ойида 14,6 фоиз ташқил этади) ҳолатда оиладаги носоғлом муҳит, (2022 йил 12 ойида 15,6 фоиз, 2023 йил 9 ойида 14,6 фоиз ташқил этади) ҳолатда атрофдаги шахсларнинг бепарволиги, (2022 йил 12 ойида 16,4 фоиз, 2023 йил 9 ойида 14,6 фоиз ташқил этади) ҳолатда ёшлар орасида гиёҳвандлик моддаларини ёшлар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларининг ортиб бораётганлиги, (2022 йил 12 ойида 6,4 фоиз, 2023 йил 9 ойида 3,6 фоиз ташқил этади) ҳолатда дорихоналарга рецептсиз синтетик гиёҳванд препаратларнинг янги турларининг кириб келаётганлигидаги камчиликлар, (2022 йил 12 ойида 48,6 фоиз, 2023 йил 9 ойида 58,9 фоиз ташқил этади) ҳолатда бошқа шарт-шароитлар кузатилди.

Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашишда энг самарали кураш услуби бу жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Охириги йилларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари турли салбий оқибатларни келтириб чиқараётганлиги ушбу жиноятнинг олдини олиш асосий вазифалардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу жиноят содир этилиши натижасида бир қатор салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Мутахассислар бугунги кунда гиёҳвандликни қуйидаги асоратлари мавжудлигини таъкидлашмоқда:

- иқтисодий жиҳатдан: кўп маблағ сарфлаши, даромадларидан айрилиши, уйдаги қимматбаҳо буюмларни сотилиши, ишсиз

қолиши, кўпчиликдан қарздор бўлиши, оиласидан, фарзандларидан ажралиш ҳолатлари юзага келиши мумкин;

- ҳуқуқий жиҳатдан асоратлар: ўзи билиб билмай, идрок қилмай жиноят қилиши, одам ўлдириши, босқинчилик қилиши, турли диний экстремизмга терроризм оқимларига кўшилиши каби турли бошқа жиноятларни қилишга мажбур бўлиши мумкин;

- тиббий асоратлар: гиёҳванд моддалар бутун организмга ва марказий нерв системасига, руҳиятига таъсир кўрсатиб шахсда турли ўзгаришлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Ушбу оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун, энг аввало, тегишли норматив ҳужжатларнинг ижроси тўғри, самарали таъминланишига эришиш зарур. Хусусан, бола савдоси жинояти профилактикаси 2014 йил 14 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунга асосан амалга оширилади. Мазкур қонунга асосан, бола савдоси жиноятининг профилактикасини амалга оширишда ҳам умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик усуллардан фойдаланиш ўзининг самарали натижасини беради.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари – бугунги кунда энг катта глобал муаммолардан биридир.

Бугунги кунда уюшган жиноятчилик, хусусан халқаро терроризм, одам савдоси, қурол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида нарқобизнеснинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш муаммоси нафақат халқаро ҳуқуқ, балки миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

III БОБ. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, аввал, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, юртимиз аҳолисини ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш каби улуғ мақсадлар мужассамдир. Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовуздан ҳимояланган бўлиши шарт.

Мазкур таҳдидлардан бири сифатида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Умуман, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси деганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш, олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика доирасида қўлланиладиган ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектлари (ўз ваколатлари доирасида профилактик чора-тадбирларни амалга оширадиган органлар) профилактик чора-тадбирларни амалга оширади.

Профилактик чора-тадбир – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика доирасида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлардан ҳимоя қилиш;

- жамоат тартибни сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқароларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш;

- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектларининг фаолияти ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириш.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектларининг ихтисослаштирилган статистик ҳисоботлари тизими, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ҳамда илмий тадқиқотлардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар таҳлил қилинаётган жиноятлар профилактикаси субъектларини тайёрланаётган ёки содир

этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикасини ташкил этиш мазкур жиноятлар профилактикаси субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширилади.

3.1. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий профилактикаси

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисмига кирувчи асосий жиноятлардан бирига айланиб, ҳудуд ёки чегара танламай, барча давлатларнинг хавфсизлигига бирдек таҳдид қилмоқда. Шунингдек, ушбу жиноят ўзининг миқдор кўрсаткичлари ва сифат хусусиятларига кўра жамиятнинг турли соҳалари нормал ривожланишига жиддий хавф солмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикасида фуқароларнинг иштироки ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектлари фуқароларнинг ушбу жиноятларнинг профилактикасидаги иштирокини рағбатлантиради. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг умумий профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир фаолияти тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар *умумий профилактикасининг чора-тадбирлари* бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқий тарғибот;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномаларни киритиш;

– қонун ҳужжатларида ўрнатилган ҳолларда ва тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектлари фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини сўрашни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларнинг илмий тадқиқотини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикасида аҳолининг фаол иштирок этишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси бўйича илғор халқаро тажрибани умумлаштириш, алмашиш ва тарқатиш.

Кўриб чиқилаётган жиноятлар профилактикаси субъектлари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг умумий ҳолатини камайтириш, ўз фаолиятини прогнозлаштириш ва режалаштириш мақсадида республика ва ҳудудий миқёсда мазкур жиноятлар профилактикаси бўйича комплекс, кўп мақсадли дастурлар ишлаб чиқишни амалга оширади.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш гиёҳвандлик воситалари психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш бўйича тизимли фаолиятдан иборат.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси масалалари бўйича конференция, давра суҳбати, семинар ва маърузалар ўтказиш;

– аҳоли ўртасида қонунга итоаткор хулқ-атвор ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган маълумотларни жа-моат жойларида, оммавий ахборот воситаларида (босма ва электрон нашрларда), бутунжаҳон ахборот тармоғи Интернет ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектларининг расмий сайтларида кенг тарқатиш;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси субъектлари гиёҳвандлик воситалари ёки пси-хотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар сабабларини ва уларнинг содир этилишига имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаб, ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат орган (ташкилот)лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритадилар.

Тақдимнома кечиктирмасдан кўриб чиқилади ва ундаги талабларни бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг махсус профилактикасидеганда, профилактика субъектларининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикасига, ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга

қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир фаолияти тушунилади.

3.2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг махсус профилактикаси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг махсус профилактикаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг сабаблари ҳамда уларнинг содир этилишига имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикаси бўйича махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– аҳолини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

– ақлий-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган наркотик, психотроп ёки бошқа моддаларнинг ноқонуний муомаласи, уларнинг нотиббий усулда истеъмол қилиниши, шунингдек ушбу маҳсулотларни ноқонуний тайёрлаш, тарқатиш ва истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– ақлий-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган наркотик, психотроп ёки бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича профилактик чора-тадбирларни ўтказиш;

– наркотик, психотроп моддалар ҳамда прекурсорларни сақлаш, ташиш, сотиш ва фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларининг махсус профилактикаси кўпинча криминоген ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳамда жиноятни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва профилактик таъсир кўрсатишга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар томонидан махсус, махсус-тезкор чора-тадбирларни амалга оширилиши билан ўзига хос хусусиятга эгадир.

Янада аниқроқ айтганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларининг махсус профилактик чора-тадбирлари яъни қуйидагилар киритиш мумкин:

1. Гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси ва истеъмоли билан шуғулланувчи шахсларни, аниқлаш бўйича махсус профилактик чора-тадбирлар (*«Қора дори» ва бошқ*)ни янада самарали амалга ошириш ва аниқланган ҳолатларни доимий таҳлил қилиб бориш;

2. Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда чегара ҳудудлар (аэропорт, темир йўл вокзаллари ва божхона масканлари)да, уюшган жиноий гуруҳлар ва якка шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва фош этиш;

3. Халқаро ва ИИВнинг тегишли норматив ҳужжатлари асосида хорижий давлатларнинг ички ишлар органлари (полицияси) билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларни содир этиб, қидирувда юрган жиноятчиларни ва улар билан алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш бўйича ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларни самарадорлигини янада ошириш;

3.3. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти якка тартибдаги профилактика ҳисобланади.

Ушбу фаолият гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этишга мойиллиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларга таянган ҳолда ваколатга эга бўлган давлат органлар ва мансабдор шахслари томонидан ҳисобда турган, ҳуқуқбузарлик содир қилган ҳамда мойил бўлган шахсларни тузалиш йўлига ўтиши учун тарбиялаш, уларга ижтимоий кўмаклашиш ва жамиятга мослаштиришга қаратилган якка тартибдаги таъсир чораларни амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур шахсларнинг ижтимоий-майиший шароити ва турмуш тарзи, ижтимоий муҳитидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда ғайриижтимоий хулқ атворини тавсифловчи бошқа омилларни инобатга олиб якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар белгиланади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни ва ушбу жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

1) профилактик суҳбат ўтказиш. Профилактик суҳбат шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларга риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузар-

ликнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади;

2) расмий огоҳлантириш. Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсни ушбу жиноятлар учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади;

3) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларининг сабаблари ва шарт-шароитлари ҳақида хабардор қилиш. Профилактика субъектлари ўз ваколатлари доирасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахслар ва ушбу жиноятларни содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини хабардор қилишга ҳақлидир;

4) профилактик ҳисобга олиш (қонун ҳужжатларида белгиланган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактик тадбирлар мажмуи);

5) маъмурий назорат. Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий профилактик таъсир чораларининг мажмуи бўлиб, назорат остидагиларга қонунчиликда назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборатдир.

Маъмурий назорат ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати «Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади;

б) мажбурий даволанишга юбориш. Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат

тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ҳамда ахлоқ-одоб қоидаларига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ уни мажбурий даволанишга юбориш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, гиёҳвандликка мубтало бўлган беморлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий даволанади.

Мажбурий даволаш наркологик касалликларга чалинган, атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида қўлланилади. Механизм бир неча босқичдан иборат:

- мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш – ҳудудий ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ИИВ тасдиқлаган шаклда чиқарилади ва ҳуқуқбузарга эълон қилиниб, огоҳлантиришнинг кўчирма нусхаси топширилади ҳамда бу ҳақда баённома тузилади;

- шахсни мажбурий даволашга муҳтож деб топиш – ҳудудий наркология диспансерлари таркибида тузиладиган наркологик экспертларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссияларнинг тиббий хулосаси асосида амалга оширилади;

- мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркология муассасалари, касалликка чалинган шахснинг оила аъзолари ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар томонидан тайёрланади;

- шахсни мажбурий даволашга юбориш – қарор унинг яшаш жойидаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан ушбу шахс ҳозирлигида қабул қилинади. Қарор ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради ва дарҳол ижро этилади. Қарор устидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин. Мажбурий даволашнинг давомийлиги наркология муассасасининг тиббий комиссияси томонидан белгиланади ва 18 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Наркологик касалликка чалинган шахслар терапиядан ўтадилар:

а) мажбурий даволанишда бўлиш даврида – наркология муассасалари қошида ташкил этиладиган ёки саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ташкил этиладиган меҳнат терапиясидан ўтилади. Бу ҳақда меҳнат дафтарчасида тегишли ёзув қайд этилади (*меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда – маълумотнома берилади*). Тўланадиган иш ҳақи қуйидагича тақсимланади: 35 фоизи – наркология муассасасининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобрақамига, қолган қисми солиқлар, алимент ва бошқа ушланмаларни чегириб ташлаган ҳолда меҳнат терапиясидан ўтаётган шахсининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

б) мажбурий даволаш муддати тугаганидан кейин касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтилади. Бу мажбурий ҳисобланади, ундан бош тортилган тақдирда, шахс мажбурий равишда олиб келинади ва яшаш жойидаги наркология муассасаларига терапиядан ўтиш учун жойлаштирилади. Тартиб Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Шунингдек ҳужжатда қуйидагиларни ўтказишнинг умумий жиҳатлари белгиланган:

биринчидан, наркологик экспертиза – наркология муассасаларида қуйидагилар асосида ўтказилади:

- терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг қарори;

- мажбурий даволанишга муҳтож бўлган шахсларга нисбатан ИИО ходимлари томонидан тайёрланган материаллар;

иккинчидан, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий текширув – наркология диспансерлари ёки бошқа даволаш-профилактика муассасалари тузилмасида ташкил этиладиган махсус кабинетларда нарколог шифокорлар ёки махсус тайёргарликдан ўтган бошқа ихтисосликдаги шифокорлар томонидан ўтказилади. Тиббий текширув натижаларидан норози бўлган шахслар натижалар устидан шикоят қилишга ҳақли.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар яқка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирлари шахсининг ижтимоий-маиший шароити ва турмуш тарзи, унинг ижтимоий муҳитидаги ўзига хос хусусиятлар, унинг ғайриижтимоий хулқ-атворини тавсифловчи бошқа омиллар, ҳуқуқбузарлик содир этишга

мойиллиги, шунингдек содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

3.4. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикаси

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг виктимологик профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг муайян шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг жабрланувчисига айланиш хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга доир фаолияти тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлардан жабрланганларга нисбатан уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлардан жабрланганларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлардан жабрланганларга малакали ҳуқуқий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатадиган реабилитация марказларини ташкил этиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлардан жабрланганларнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар нисбатан тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни), улар содир этилишининг (объектив ва (ёки) субъектив) ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам равишда назорат қилиш;

– тайёрланаётган ёки содир этилган (шу жумладан латент, яъни яширин) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида профилактика субъектлари ҳузурида ишонч, «долзарб тармоқ» телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

– республика, ҳудудлар, тармоқлар ҳамда объектлар миқёсидаги профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамасини ташкил этиш ҳамда уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида Ўзбекистоннинг электрон макони доирасида Интернет тармоғида веб-сайтлар, чатлар ташкил қилиш;

– содир этилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар статистикаси, улар содир этилган жой ва вақт тўғрисида ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган электрон маълумотлар базаларини яратиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг замонавий усуллари тўғрисида электрон (пуб-лицистик, юридик, илмий-оммабоп тусдаги) адабиётларни тарқатиш.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар профилактикасини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга, қийноқ ёки инсон қадр-қимматини камситишига, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа хабарларни ошкор қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари эркин жой танлаш ва кўчиб юриш, уй-жой ва шахс дахлсизлигини чеклашга йўл қўйилмайди.

ХУЛОСА

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот ва янгиликлар натижасида фуқароларимизнинг турмуш шароити узлуксиз юксалиб бормоқда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилиши учун барча қулай имкониятлар юзага келмоқда.

Буларнинг барчаси шахс эрки, унинг ҳаёти, саломатлиги ва шахсий ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, шахс-давлат муносабатларида шахс манфаатлари устуворлиги тамойилига оғишмасдан амал қилиш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда гиёҳвандлик – XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётига жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар бугунги цивилизация замонида келиб ўз ўрнини гиёҳвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболаға бўлмайди. Соғлом турмуш тарзини олиб бораётган киши билиб-билмай бу кўчага кириб қолса, ўзининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини қора зулматга айлантириши айтиш ҳақиқат. Гиёҳванд киши нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам тўхтовсиз азоб беради. Ундан туғилажак фарзандлар эса ота-онасининг хатоси оқибатида бир умрга мажруҳлик қисматида мубтало бўладилар.

Баъзан гиёҳвандлик қурбонига айланиб қолган инсонларнинг қисматини кўриб, уларга нисбатан нафрат, қаҳр ва раҳм туйғуларининг уйғониши табиий. Уларнинг қуриётган дарахт мисол умри эвазига айрим қора ниятли ёвуз кимсаларнинг ҳамёни қаппаймоқда. Одам қиёфасидаги бундай махлуқларнинг қора оғуни вояга етмаган ёшлар орасида тарқатиб, уни истеъмол қилишга тарғиб қилаётганига жим қараб туриб бўлмайди, албатта.

Шу мақсадда тайёрланган ушбу қўлланмада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш борасидаги илмий-амалий ва методик тавсиялар ички ишлар органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу турдаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга самарали хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2014. – № 20. – 221-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2016. – № 38. – 438-м.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6.– 70-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2022.
6. *Мирзиёев Ш. М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – Б. 104.
7. *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir // Халқ сўзи. – 2017. – 8 янв.
8. *Мирзиёев Ш. М.* Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. – 2017. – 10 фев.
9. *Мирзиёев Ш. М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т., 2017. – Б. 488.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <http://www.lex.uz/acts/111453>.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <http://www.lex.uz/acts/111460>.

12. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги ЎРҚ-813-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <https://www.lex.uz/docs/86044>.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <https://lex.uz/docs/3203265>.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 03 июлдаги «Ўзбекистон республикаси олий суди пленуми ва ўзбекистон республикаси олий хўжалик суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 12-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <https://lex.uz/docs/4904177>.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // URL: <https://lex.uz/docs/1600001>.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 46-сон қарори. // URL: <http://www.lex.uz/docs/3515278>.

17. Криминалистика. Ҳуқуқшунослик олий таълим муассасалари учун дарслик / Ғ. А. Абдумажидов, Р. А. Алимова ва бошқ. – Т.: ТДЮИ, 2003. – Б. 706.

18. Криминология. ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Муаллифлар жамоаси; Масъул муҳаррир ю.ф.д., профессор З. С. Зарипов. – Т., 2008. – Б. 423.

19. *Абдуқодиров Ш. Ё.* Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисми). Ўқув-услубий қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Қ. Абдурасулова. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 220.

20. *Абдурасулова Қ. Р.* Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Рустамбоев М. Ҳ. – Т., 2008. – Б. 305.

21. *Рустамбоев М. Ҳ.* Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 382.

22. *Отжонов А. А.* Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 294.
23. Криминалистик тактика: Дарслик / Т. Б. Маматкулов, Ш. Т. Джуманов, У. Т. Тургунов ва бошқ. – Т., 2013. – Б. 218.
24. Криминология фанининг шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 57.
25. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2015. – Б. 252.
26. *Исмаилов И., Миразов Д. М., Мухторов Ж. С.* Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 128.
27. Методика расследования торговли людьми: Учебное пособие / А.А. Хамдамов, О.А. Камалов, У.Э. Расулев и др. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – 225 с.
28. *Фахрутдинов Р.Р.* Методика расследования торговли людьми: Автореф. дис... канд. юрид. наук.— Челябинск, 2011. — 26 с.
29. Абдухалимов Ш. Одам савдоси – глобал хавф. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 21-б

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I БОБ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ҲИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ	6
1.1 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг жинойий-ҳуқуқий тавсифи.	5
1.2 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалогик тавсифи.	32
1.3 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи.	36
II БОБ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ҲИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР	47
2.1 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари таҳлили.....	49
2.2 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлили.	55
III БОБ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ҲИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ	59
3.1 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий профилактикаси.	61
3.2 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг махсус профилактикаси.	64
3.3 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси.	66
3.4 Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомила қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикаси.	70
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар	73

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ Юридик фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси подполковник
Олимжон Суяркул ўғли СУБАНОВ;

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР
БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ
ЖИНОЯТЛАРИНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ўқув қўлланма

